



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 18-sentabr, payshanba, 37 (565)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

ПАРЛАМЕНТДА

Фракция қонун лойиҳаларини маъқуллади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги ййгилишида партия электорати фаолиятига бевосита тааллуқли бўлган бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди

Фракция раҳбари Бахтиёр Якубов бошқарган ййгилишда дастлаб янги таҳрирда киритилган «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди. Уни депутатлар эътиборига ҳавола этган парламент кўйи палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Абдурашид Жўрабоев алоҳида таъкидлаганидек, 2013 йилда ижтимоий-иктисодий ривожланиш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатни изчил тараққий эттириш учун электрон тижоратни ривожлантириш билан боғлиқ жараёнларни янада жадаллаштириш заруриятини қайд этган эди. Мазкур қонун лойиҳаси ана шу тавсиялар асосида бугунги кун талабларига мувофиқ ишлаб чиқилгани диққатга сазовордир.



Сиёсий салоҳият синови

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов кампанияси бошланганини эълон қилди. Жорий йилнинг 21 декабрь куни бўладиган мазкур «имтиҳон»дан муваффақиятли ўтиш учун О'zLiDePнинг тажрибаси ҳам, имкониятлари ҳам етарли. Гап ана шу тажрибадан, ана шу имкониятлардан амалда самарали фойдаланган ҳолда электорат ишончини қозониш орқали уларнинг кўпроқ овозини олишдан иборат

«O'zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловдаги фаол иштирокини таъминлаш борасидаги устувор вазифалари»

га бағишлаб ташкил этилган кенгайтирилган ййгилиш иштирокчилари юқоридagi фикрларга қайта-қайта муҳокама қилишар экан, жиддий сиёсий куч сифатида партиянинг салоҳияти, аҳоли

ўртасида қанчалик обрў ва нуфузга эга эканлигини синовдан ўтказадиган муҳим палла етиб келганини алоҳида таъкидлашди.

«Темирўлобод» — замонавий терминал

Тошкент ва Наманган вилоятларини боғловчи Ангрэн-Поп электрлаштирилган темир йўлининг 36-километрида «Темирўлобод» номли янги терминал ишла туширилди. 12news.uz сайтининг хабар беришича, 4,5 гектар майдонни эгаллаган мазкур объект худудида юкларни орттиш ва туширишга мўлжалланган кранлар, омборлар, контейнерлар сақланганидан усти ёпиқ жой ва маъмурий бино мавжуд. Маълумотларга кўра, айни пайтда умумий узунлиги 124 километри ташкил этадиган Ангрэн-Поп темир йўлининг 65-километридаги участкасида олиб борилган қурилиш ишлари якунига етказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 16 сентябрдан бошла валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқа ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан кўйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2126.20
1 Англия фунт стерлинги	3832.63
1 Дания кронаси	411.04
1 БАА дирҳами	642.42
1 АҚШ доллари	2359.56
1 Миср фунти	330.01
1 Исландия кронаси	19.92
1 Канада доллари	2128.03
1 Хитой юани	384.37
1 Малайзия ринггити	735.41
1 Польша злотийси	728.64
1 СДР	3539.39
1 Туркия лираси	1063.54
1 Швейцария франки	2528.46
1 ЕВРО	3117.21
10 Жанубий Корея вони	22.75
10 Япония иенаси	220.15
1 Россия рубли	62.66
1 Украина гривнаси	182.20

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Санъаткорлар пахтакорлар ҳузурида

Сурхондарё вилоятида ҳам пахтакорларга сифатли тиббий, маданий, савдо ва бошқа хизматлар кўрсатилмоқда

Жорий йилда 119 минг 600 гектар майдонда мўл ҳосил тўплаган вилоят пахтакорлари етиштирилган хомашини нест-нобуд қилмай ййгиб-тегиб олишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасидан маълум қилишларича, мавсум давомида таниқли ижодкорлар, санъаткор ва спортчилар билан қизиқарли учрашувлар ташкил этилади. Маннон Уйғур номидagi Сурхондарё вилояти мусикали драма театри, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими, туман ва шаҳар маданият уйлари санъаткорлари теримчиларга маданий хизмат кўрсатмоқда. Шеробод тумани маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази бадийи жамоаси тумандаги «Ўзбекистон» сув истеъмолчилари уюшмасида бўлиб, қизиқарли концерт дастури намойиш

этиди. Қизилқум туманидаги «Бахтиёр Зулфиров» фермер хўжалигида Термиз шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази санъаткорлари билан ташкил этилган учрашув дала меҳнаткашларига манзур бўлди. Музработ, Денов, Олтинсой туманларида ҳам шундай тadbирлар ташкил этилди. — Белгиланган дастур асосида теримчиларнинг қўрилган маданий хордик чиқаришига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Абдуғаффор Бўриев. — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими, Маннон Уйғур номидagi Сурхондарё вилояти мусикали драма театри санъаткорлари туманларда бўлиб, ранг-баранг концерт дастури ва турли саҳна асарларидан парчалар намойиш этмоқда. (ЎЗА)

Янги нормалар муҳокамаси

Тadbirkorлар va ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан Андижонда «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларини судларда ҳимоя қилиш: муаммо ва ечимлар» мавзусида семинар ташкил этилди

Депутатлар, Хўжалик ва Ҳақамлик судлари, адлия, Савдо-саноат палатаси, адвокатлик идоралари вакиллари, мутахассис-экспертлар, тadbirkor ва фермерлар қатнашган семинарда таъкидланганидек, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш, хусусан, хўжалик юритиш амалиётида учраётган маъмурий-буйруқ-бозликка тўлиқ барҳам бериш, хусусий секторнинг жадал ривожланишига ҳалақат қилаётган ва эркинлигини чеklangан муаммоларни тизимли ўрганиш бўйича соҳанинг ҳуқуқий асослари ва кафолатлари янада мустаҳкамлаб борилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Концепцияни ҳаётга татбиқ этиш бўйича қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида электорат манфаатларини тўлақонли ифодалаш доирасида О'zLiDeP ва унинг парла-

ментдаги фракцияси кенг қўламли ишларни амалга оширяпти. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари киритилган бир қатор ўзгаришлар тadbirkorлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янада кучайтиришини айтиб ўтиш жоиз. Бундан ташқари, хўжалик ва ҳақамлик судлари фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ қўшимчалар, хўжалик судларида видеоалоқа тизимининг амалиётга татбиқ этилиши, яқка тартибдаги тadbirkor мақомини йўқотган фуқаролар иштирокидаги низоларга доир ишлар, агар тегишли талаблар уларнинг аввалги тadbirkorлик фаолиятидан келиб чиқса, тааллуқлилиги белгилаб қўйилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

«ЯПОЛАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАҲШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

ПАРВОЗДАГИ ҚУШНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

Тарихдан яхши маълумки, мустамлака заҳматини бошдан ўтказган халқлар мустақилликка эришгач, эркин ва ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишга кўтаринки руҳ, жўшқин бир шижоат билан киришганлар. Бу жараён осон кечмаган, албатта. Бирида тезкор, бошқасида сустрок

XXIII КИМ ЭДИГУ КИМ БУЛДИК?

Шундай бўлиши табиий. Сабаблари эса талайгина. Масалан, айрим мамлакатларда тараққийети таъминловчи асосий манбалардан бири — табиий ресурслар етишмаган бўлса, бошқаларида унданда зарур қудратли куч, яъни халқни ягона мақсад учун сафарбар этувчи миллий ғоя шаклланмаган. Боз устига, эндигина озодликка эришган давлатлар ривожига гоҳ зимдан, гоҳ ошкора тўсқинлик қилувчи кучлар мавжудлиги ҳам сир эмас. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, биз — сандатли халқмиз. Улуғ аждодларимиздан мерос жаннатмакон юртимиз, тупроғи олтинга тенг ерларимиз, Менделеев жадалдаги барча маъданларни бағрига олган кенгликларимиз, ҳаёт бахш этиб турган Сайхуну Жайхунларимиз, ниҳоят, миллатни ягона ғоя, қатъий мақсад сари руҳлантириб келаётган жасур ва доно Йўлбошчимиз бор. Гапнинг индаллоси, мақолага шу ерда нуқта қўйсақ ҳам бўлаверарди, аслида. Лекин тарихан ўта қисқа мuddатда босиб ўтган йўлимиз, жаҳон саҳнасидан муносиб ўрин олиш йўлида эришган муваффақиятларимиз, деярли ҳар куни юз бераётган қувончли ўзгаришлар журналистларни жўшиб ёзишга ундайверади.

Пистачилик — истиқболли соҳа

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Фермерлар кенгашининг шахсий томорқалар, дехқон ва фермер хўжалиқларида ноанъанавий экин турларини жорий этиш, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштиришга қаратилган ташаббуси жамоатчилик ўртасида алоҳида қизиқиш уйғотмоқда

Маълумки, юрт ободлиги, эл фаровонлиги истеъмол бозоридagi барқарорлик билан чамбарчас боғлиқдир. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ушбу масалага давлат даражасида эътибор қаратиб келинаётганлиги ҳам бежиз эмас. Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган озиқ-овқат Дастури ҳаётга изчиллик билан жорий этилаётганлиги туфайли аҳоли турмуш тарзи юксалиб, янгидан-янги иқтисодий имкониятлар юзага чиқмоқда.

Кейинги йилларда агросаноат тизимида чуқурлашиб бораётган ислохотлар туфайли пахта майдонлари босқичма-босқич қисқартирилиб, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари саналмиш ғалла, сабзавот-полиэ, картошка, боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, чорвачиликни замонавий асосда ривожлантириш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг замирида, шубҳасиз, инсон ва унинг ҳаётий манфаатлари ётади. Зотан жаҳоннинг турли минтақаларида аграр муносабатлар мураккаб тус олиб, яқин йиллар ичида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 40-50 фоизга ошиши башорат қилинаётган бир пайтда мавжуд ер ва сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

О'zLiDeP веб-сайтида ўқинг!

Ислохотлар натижаси ҳаётдаги ўзгаришларда яққол намойён бўлмоқда

www.uzlidep.uz

ИСЛОХОТ
Бугунги ва эртанги депутатлар учрашуви

ЭЛЕКТОРАТ
Биринчи теримда 40 центнер

ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА
«Энг муҳими — одамларга нафимиз тегапти»

ЖАРАЁН
О'zLiDeP фаолининг ихтироси

ЖАРАЁН
О'zLiDeP фаолининг ихтироси

ПАРЛАМЕНТДА

Электрон тижорат — давр талаби

O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши томонидан **Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган амалий мулоқот янги тахрирдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди**

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr»

Вилоят Фермерлар кенгаши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, Марказий банк, молия, божхона бошқармалари, Савдо-саноат палатаси мутасаддилари иштирок этган тадбирда бугунги кунда ҳаётимизнинг бирор бир соҳасини ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмаслиги, барча жабҳаларда янги технологияларнинг жорий этилиши, энг аввало, бу борада мустақам қонунчилик асослари яратилиши билан изоҳланди.

Мулоқотда таъкидланганидек, бутун дунёда бўлгани сингари юртимизда ҳам бугун электрон рақамли имзо, электрон тижорат, электрон ҳужжат айланиши ўзининг самарасини кўрсатмоқда. Интернет тармоғининг тезкорлиги, вақт ва маблағ тежамкорлигидаги афзалликлари O'zLiDeP электроти вакиллари — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун низоҳатда муҳим аҳамият касб этапти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев мазкур қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, «электрон тижорат», «электрон тижорат иштирокчилари», «тўлов агентлари», «электрон тасдиқлаш», «электрон хабар» сингари тушунчалар изоҳига тўғривалар экан, соҳадаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси тайёрланганини айтиб ўтди.

Кизгин мунозараларга бой тарзда кенган муҳокама давомида «Мазкур қонуннинг қўлланилиш доираси», «Электрон тижорат соҳасида махсус ваколатли органнинг ваколатлари», «Электрон тижорат тўғрисида қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик» сингари моддаларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича амалий таклифлар билдирилди.

Сўровларнинг амалий натижалари

Сиёсий партияларнинг ўз платформасидаги мақсадларини амалга ошириш ва электроти корпоративини самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, бунин O'zLiDeP депутатлик гуруҳларининг назорат функцияларини амалга оширишда янада фаоллашганидан ҳам кўришимиз мумкин

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги 57 та депутатлик ўрнидан 30 тасини эгаллаб турган O'zLiDeP депутатлик гуруҳи ҳал қилувчи овозга эга. Бу эса, ўз навбатида, вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерлик ҳаракатининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада кўпайтиришга оид амалий таклифларни илгари суришда катта масъулият юклайди.

Айни пайтда Жиззах вилоятида тасдиқланган манзилли дастур асосида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2014 йилда вилоятда йилига 6 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга бўлган 13 та, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 7 та, сутни қайта ишловчи 10 та замонавий корхона барпо этиш кўзда тутилган. Жорий йилнинг ўтган даврида улардан 11 таси фойдаланишга туширилиб, 120 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Ишга жойлашганларнинг 75 нафари коллеж битирувчиларидир. Бундан ташқари, вилоятда жорий йил давомида умумий қиймати 107,4 млрд. сўм бўлган 1284 та янги лойиҳани амалга ошириш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда. Партиямиздан сайланган вакиллар эса бу борадаги изчил жараёни доимий депутатлик назоратида олишган.

Демократик бошқарувни доимий такомиллаштириб бориш, уни ўзгартиб бораётган ҳаёт талабларига мувофиқлаштириш мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг муҳим вазифаларидан бири саналади. O'zLiDePдан сайланган бир гуруҳ депутатларнинг қатор идораларга депутатлик сўрови билан муносабат этишларига асос бўлган масалалар ҳам айнан мана шу тизимли ўрганишлар, марказда ва жойларда амалга оширилган таҳлиллар натижасидир. Унинг мазмун-моҳияти қонун билан қафолатланган янги турдаги тадбиркорлик субъекти бўлиши оилавий корхоналар учун яратилган имтиёзлардан фойдаланишда айрим ҳолларда юзага келаётган муаммоларни вазиятларнинг сабабларига қаратилган.

Хусусан, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати М.Саидхамедова томонидан юборилган депутатлик сўровлари натижасида Фаллаорол тумани Маржонбулоқ шаҳридаги қурилиш тугалланмаган уйлар, Лалмикор шаҳарчасидаги болалар боғи ва клубни таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари назоратга олинган. Бундан ташқари, депутат сўровига мувофиқ ҚВП биносида таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Бўстон, Кўтал қишлоқларидаги мактабларни таъмирдан чиқариш билан боғлиқ ишлар ҳам депутатларимиз назоратида. Шунингдек, Маржонбулоқ шаҳарчасидаги 73-мактабнинг иссиқлик тизими соз ҳолатга келтирилди.

Бўстон қишлоғидаги 2 та кўприк ва автомобиль йўлининг ноҳор аҳоли ҳақида депутатлик сўрови киритилиши натижасида ҳар иккала кўприк қуриб битказилиб, йўл таъмирланди. Бундан ташқари, депутат сўровлари асосида Маржонбулоқ шаҳарчасидаги «Гавхар», «Наврўз», «Марварид» маҳаллаларида болалар ўйингоҳларининг қурилганлиги, Ёдбин қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилганлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Худудда банк кредити ҳисобидан хусусий дорихона, 30 кишига мўлжалланган кийим тиқиш цехи ишга туширилди. Вақтинча ишламаётган 58 нафар ёш Маржонбулоқ кони бўлим ва цехларида ишга жойлаштирилди.

Акрам ШАҲАРОВ,
O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири.

Фракция қонун лойиҳаларини маъқуллади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Ўз мухбиримиз

Унда асосий эътибор кичик бизнесни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилашда қўшимча шароитлар, шу жумладан, халқаро стандартларга жавоб берадиган технология бозор инфратузилмасини яратиш, тадбиркорлик субъектларига электрон кўринишда фаолият юритиш, товар етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустақамлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни жаҳон бозорига олиб чиқиш учун самарали ҳуқуқий механизмларни шакллантиришга қаратилди.

Мақсад эса электрон тижорат иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мукамал механизмларини яратиш ва «электрон тижорат», «электрон тижорат иштирокчилари», «тўлов агентлари», «электрон тасдиқлаш», «электрон хабар» каби тушунчаларга аниқ таъриф беришдан иборатдир. Шунингдек, мазкур қонун лойиҳаси орқали электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда кенг имконият яратиш бўлади. Зеро, O'zLiDeP дастурида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва унинг иқтисодийётдаги ўрнини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилганини инобатга оладиган бўлсак, ушбу қонун лойиҳаси қабул қилиниши партияимиз электротиининг тижоратини электрон тарзда юритиш билан боғлиқ имкониятларини янада кенгайтиришда долзарб аҳамиятга эга бўлади.

«Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги тахриридаги лойиҳаси парламентга келиб тушгач, энг аввало, ривожланган давлатларнинг бу борадаги меъёрий ҳужжатлари танқидий жиҳатдан ўрганилди. Амалдаги қонуннинг камчилиги ва нуқсонларини янада тўлақон тасаввур қилиш мақсадида унинг ижроси худудлар кесимида назорат-таҳлил тартибидеа кўриб чиқилди. O'zLiDeP фракцияси та-

шаббуси билан жойларда ташкил этилган давра суҳбатларида эса партия электротига янги қўлайлиқлар яратиб берадиган йўналишларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиши кўзда тутилаётган мазкур қонун лойиҳаси соҳа экспертлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокама қилиниб, кўп қабатлиқлар жамланди. Асосийси, ана шу фикр-мулоҳазалар фракциянинг ушбу қонун лойиҳаси юзасидан аниқ позициясини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Фракция нуктаи назаридан келиб чиқиб айтиш мумкинки, «Импорт контрактлари маҳсулот ва хизматларни савдо операцияларининг божхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисида», «Электрон шаклдаги контрактлар ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шакллари тўғрисида»ги Низомлар ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш» тартибини чуқур таҳлил этган ҳолда «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонуннинг такомиллаштирилиши тадбиркорларнинг оқори иқтисодий натижаларга эришишига, уларнинг бу борадаги ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилишда кенг имконият яратиш бўлади. Зеро, O'zLiDeP дастурида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва унинг иқтисодийётдаги ўрнини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилганини инобатга оладиган бўлсак, ушбу қонун лойиҳаси қабул қилиниши партияимиз электротиининг тижоратини электрон тарзда юритиш билан боғлиқ имкониятларини янада кенгайтиришда долзарб аҳамиятга эга бўлади.

Йиғилишда таъкидланганидек, O'zLiDeP фракциясининг партия Сайловолди дастурини амалга оширишга асосланган фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири мулкдорлар қатламини кўллаб-қувватлаш, мамлакат иқтисодийётини барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг омилли сифатида янада қўлай ишбилармонлик муҳитини, ишончли ҳуқуқий қафолатни



шакллантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича қонун ижодкорлиги ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни лойиҳаси биринчи ўқишда айнан шу позициядан туриб муҳокама этилди. Мазкур ҳужжат «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг тўловлар бўйича талаби иккинчи навбатда қондирилишига оид 134 ва 183-моддаларига ўзгартишлар киритиш кўзда тулади. Бундан ташқари, ушбу қонуннинг 133-моддасига асосан гаровга қўйилган мулк (гаров предмети) очик қимоди савдоларида сотилмаган тақдирда ушбу мулк гаров билан таъминланган кредиторларнинг талабларини қондириш учун таклиф этилиши белгилаб қўйилиши назарда тутилмоқда. Агар бе-

риллаётган гаровга қўйилган мулкнинг қиймати кредитор талабидан ортиқ бўлса, унда орадаги фарқ ушбу мулкни қабул қилиб олаётган кредитор томонидан пул шаклида қопланади.

«Ўзбекистон Республикасининг «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида ҳам фракция аъзолари фаол иштирок этдилар. Мазкур қонун лойиҳаси техник асосланганликни ошириш, мувофиқликни баҳолаш органлари фаолияти натижаларининг халқаро эътирофини таъминлаш, шунингдек, мувофиқликни баҳолаш бўйича ишларни амалга оширишда тақорларга йўл қўймасликка қаратилган.

Жумладан, «Метрология тўғрисида»ги қонуннинг 1, 5,

6, 7, 13, 15, 21-моддаларидаги «бирлик эталони», «ўлчов воситалари калибровкаси», «метрология хизматлари, марказлари ва лабораторияларини аккредитациялаш» каби асосий тушунчаларга аниқлик киритилиб, «синов воситаларининг метрологик аттестацияси», «синов воситаси», «юридик шахсларнинг аккредитацияланган метрологик хизматлари, марказлари, лабораторияларининг инспекция назорати» асосий тушунчалари қўшилмоқда.

Қайтариқларга йўл қўймаслик мақсадида «Маҳсулот ва хизматларни сертифицилаш тўғрисида»ги қонуннинг 1, 5, 7, 161-моддаларидан аккредитация масалалари олиб ташланмоқда. Чунки бу жиҳатлар «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топган.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.



— Ушбу ўзгартишларнинг қабул қилиниши қонунчилик ҳужжатлари терминологияси ва ҳуқуқий меъёраларининг бир хилда қўлланилиши таъминлаш, мувофиқликни баҳолаш органлари фаолиятида уларнинг ҳар хил таъқин қилинишига эришиш ва тақорий ишлар бажарилишини баргарф этишга қаратилган, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Бахриддин Бекчанов. — Шунингдек, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар уларни халқаро талабларга мувофиқлаштириш орқали маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматлар, маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардорлигини ошириш масалаларида ҳам истеъмолчиларнинг, ҳам давлатнинг манфаатларини ҳимоялайди.

Бугунги ва эртанги депутатлар учрашуви

Маълумки, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларга касбий, ижодий ва мансаб пиллапоярлардан ўсиш учун кенг имкониятлар яратишга кўмаклашиш Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг дастурий вазифалари сирасига кириди. Шунингдек, замон талабларига жавоб берадиган даражада фикрлайдиган билимли, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга қодир баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда уларда тадбиркорлик маданиятини шакллантириш ҳам партиянинг устувор мақсадларидан биридир

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши томонидан уюштирилган «Миллий парламентаризм ривожидеа ёшларнинг ўрни» мавзусидаги учрашувда энг аввало ана шу жиҳатларга эътибор қаратилди.

— Мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида сиёсий партиялар фаолиятининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда, — деди «Парламентда менингни ўрним» лойиҳаси доирасида ўтказилган мазкур тадбирда сўз олган O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши расиси Тўрабек Назаров. — Ушбу муҳим омилни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этилган биринчи кундан бошлаб аҳоли кенг қатламлари, айниқса, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш борасида самарали ишларни амалга ошириб келаяпти.

Бугунги кунда пойтахтимизда O'zLiDeP сафига қўшилган 37021 нафар фуқаронинг 19901 нафари ёшлар эканлиги ҳам тарғибот тадбирларининг ҳаётий ифодасидир. Дикқатга сазовор томони, Тош-

кент шаҳридаги корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган БПТларнинг 185 тасига айнан навқирон авлод вакиллари етакчилик қилаётгани ёшларга берилган эътибор келажакка йўналтирилган катта сармоялар билан баробарлигини амалда кўрсатиб турибди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатларининг ёшлар билан очик мулоқотида алоҳида таъкидланганидек, O'zLiDePнинг «Парламентда менингни ўрним» лойиҳаси ҳар бир худуднинг ўзига тегишли чора-тадбирлар режасига мувофиқ апрель-декабрь ойлари давомида давра суҳбати, семинар-тренинг, илмий-амалий анжуман, депутатлар билан учрашувлар ҳамда «Агар мен депутат бўлсам...» кўрик-танлов шаклида аъёнаний тарзда ўтказиб келинаётгани унинг қатнашчилари йилдан-йилга кўпайишига мустақам замин ҳозирлади. Мисол учун, ўтган йиллар давомида бир-қана шу лойиҳа тадбирлари орқали 27 мингдан зиёд пойтахтлик ёшлар қамраб олинган.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши бўлим мудири Мастура Ҳайтованингни фикрича, депутатлар билан учрашувда ёшларнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32,78,93,103 ва 117-моддаларига)»ги қонуннинг



мазмун-моҳиятига катта қизиқиш билдиригани, шунингдек, «Тижорат сирини тўғрисида», «Хусусийлаштириш тўғрисида», «Давлат мулкни бошқариш тўғрисида», «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунларнинг аҳамияти ҳақида парламент вакиллари билан савол-жавобга киришишгани билан қани 27 мингдан зиёд пойтахтлик ёшлар қамраб олинган.

Тадбир сўнгидеа партия сафига янги қабул қилинган ёшларга аъзолик гувоҳномаларини айнан депутатларимиз топшириганида ҳам рамзий маъно бор. Зеро, уларнинг ўрнини эртага мана шу

ёшлар эгаллайди. O'zLiDeP ташкил этаётган лойиҳаларда миллий парламентаризм ривожидеа ёшларнинг туғган ўрнига жиддий эътибор қаратилганлигини ҳам шундан. Сўзимизнинг исботи сифатида «Агар мен депутат бўлсам...», «Ишбилармон талаба» кўрик-танловларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Ушбу лойиҳалардан кўзланган асосий мақсад униб-ўсиб келаётган, тенгқурларига нисбатан ижтимоий фаол, мустақил фикрга эга бўлган ёш авлодга ўз гоё ва қарашларини ҳаётга татбиқ этишлари, бизнесни йўлга қўйишларига кўмаклашиш орқали жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига ёрдам беришдан иборатдир.

Маҳаллий ишбилармонлар интилиши

Юртимизнинг бошқа худудларида бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам бунёдкорлик ишлари тобора кенгайиб бораёттир. Худудда жорий йилнинг биринчи ярмида ана шу йўналишда 8,8 миллиард сўмлик 52 та лойиҳа амалга оширилгани фикримиз далайлидир. Хусусан, вилоятдаги «Боёвут-Бунёдкор», «Сайхун фишт қурилиш», «Олтитепеа фишт инвести», «Сардоба фишт санаети», «Фарҳод фишт қурилиш» каби корхоналар намунави лойиҳалар асосида қурилаётган турар-жойлар учун зарур бўлган деворбоқ қурилиш материалларининг 80 фоизини етказиб бермоқда.

Яқинда эса вилоят марказида ПВА елими, эмulsionия, қуруқ сувоқ қоримаси сингари беш турдаги қурилиш маҳсулотини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Гулистон голд транс сервис» корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Эндиликда корхона қоғоз елими ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

Дилора ЭСОНОВА.

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари тўғрисида ислоҳ қилинур».

Аз-ЗАМАҲШАРИЙ.

Сиёсий салоҳият синовиди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Озод РАҲАБОВ,
Шухрат РАҲИМОВ,
Солит ЗОИР (суратлар)
«XXI asr»

— Кейинги пайтларда ҳар қандай тадбиримизда албатта сайлов ва унда партияннинг иштироки бош масалалардан бири сифатида муҳокама қилинмоқда, — деди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Солиқжон Турдиев. — Хусусан, кейинги олти ой ичида жойларда ўтказилган таҳлиллар асосида куйи тузилмалар фаолиятида аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга бўлажак сайлов нуқтани назардан баҳо берилгани ҳам бежиз эмас.

Дунёнинг айрим ҳудудларида нотинчлик ва озиқ-овқат танқислиги тобора авж олаётган бир пайтда Ўзбекистонга кўпчилик ҳавас қилаётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. **Бўлажак сайлов эса Президентимиз Исмоил Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни янада жадаллаштириш, мамлакатимизда катъий амал қилаётган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» ширинининг бугунги натижаларини янада яхшилашга хизмат қилади. Сайловнинг очик ва ошқо-ра, соғлом рақобат муҳитида ўтиши Ўзбекистон танлаган тараққиёт тараккият йўлининг ниҳоятда тўғри эканини яна бир бор намоён этилади.** Шу маънода, на-вбатдаги сайловга бошқа сиёсий партиялар қатори O'zLiDePнинг барча бўғинлардаги аъзолари, амалдаги депутатлари, электрорат вакиллари жуда жиддий ёндашишлари керак.

Ҳеч кимга сир эмаски, сайлов натижалари партия томонидан илгари сурилган гоё ва мақсадларнинг жамият ҳаётидан қай даражада ўрин эгаллашини билдиради. Бу эса ушбу имтиҳонда бошлангич партия ташкилотларидан тортиб, фракция аъзоларигача бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиш лозимлигини кўрсатади. Бундан ташқари, 2014 йилги сайлов мамлакатимизда вужудга келган янги сиёсий шароитда ўтаётганини ва у олдинги сайловдан сифат жиҳатдан мулоқоқ фарқ қилишини ёдда тутиш даркор. Бу йилги сайлов мамлакатимиздаги туртта сиёсий куч ўртасида муросасиз рақобат муҳитида ўтиши барчамизга аён.

Бунга, биринчидан, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида қабул қилинган қонунлар, сиёсий майдон-

да партиялар учун яратилган қулай шароитлар асосий омил бўлмоқда.

Иккинчидан, истиқлол йилларида сайловчиларнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгаргани, сиёсий-ҳуқуқий билимлари ошиб бораётганини қайд этиш жоиз. Жорий йилдаги сайловда мустақиллик йилларида униб-ўсган, интеллектуал салоҳиятли 6 миллиондан ортиқ ёшлар иштирок этиши кутилаётгани эса зиммамизга алоҳида масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги-га киритилган айрим ўзгариш ва қўшимчалар ҳам бу йилги сайловда жамият тараккияти суръатини жадаллаштиришига, юртношларимизнинг орзу илтиҳотларини ўзида мужассам этган гоёларни ҳаётга татбиқ қила оладиган, фақат ва фақат амалий ишлари билан халқнинг ишончини қозона оладиган сиёсий партиянинг номзодлари муваффақиятга эришишини кўрсатапти.

Марказий сайлов комиссиясининг «2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарориде белгиланган қоидалар моҳияти сиёсий партияларнинг яна бир бор мазкур сайловга тайёргарлик ишларини тубдан қайта кўриб чиқишлари лозимлигини кўрсатади. Бу жараёнда йўл қўйилган биргина кичик хато ҳам сайловни четдан туриб кузатишга олиб келиши мумкин.

Электрорат ишончи ҳақида сўз борганида, тадбиркор ва ишбилармонлар, кичик бизнес вакиллари ва қишлоқ ҳўжалигининг асосий оғирлигини ўз елкасига олган фермерларга суянган O'zLiDeP қарийб 11 йилдан бери мулкдорлар манфаати, уларнинг янада эркин ва қулай имкониятларга эга бўлиши учун ҳаракат қилаётгани, бу борада Юртбошимиз томонидан илгари сурилаётган гоёларни ҳаётга изчил татбиқ қилишда муносиб иштирок этаётганини таъкидлаш лозим. Сайлов ана шу хатти-ҳаракатларни янада изчил давом эттириши учун қўшимча имкониятдир.

— Сайлов кампаниясига қадам кўяр эканмиз, сўнгги йилларда бошқа партиялар сиёсий технологияларни қўллаб билладиган малакали мутахассисларга эътиборни кучайтирганини эътиборга олиш керак, — дейди парламент куйи палатасидаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари Бахтиёр Якубов. — Шу боис ҳам ҳар бир партия аъзоси сиёсий жараёнларда «Биргалликда биз кучимиз» ча-

қириғига жавоб берган ҳолда иш олиб бориши керак.

Шу ўринда партияннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир вазифаларни рўйбга чиқариш бўйича чоралар режаси қабул қилиниб, унда сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда сайлов кампанияси давомида амалга оширадиган барча тадбирлари қамраб олинганлигини таъкидлаш жоиз.

Мазкур режа асосида бўлажак сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш, янги қонунчилик нормаларини ўрганиш, замонавий сайлов технологиялари бўйича кўникмаларни шакллантириш, депутатликка номзодларнинг кузатувчи, ваколатли ва ишончли вакилларини тайёрлаш, сайловолди штабларини ташкил этиш бўйича ўтказилган икки босқичли ўқувлар ижобий натижалар бермоқда.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан семинар-тренинглари ташкил этиш йўналишида барча ҳудудларда партия фаоллари учун «Сайлов — янги имконият», шунингдек, «Сайловга қўмақдощ» лойиҳалари доирасида 80 дан ортиқ тадбир ўтказилди.

Сиёсий таълим марказлари томонидан эса барча ҳудудларда партияннинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, унинг сайловолди дастури юзасидан БПТ раислари учун 400 дан ортиқ семинар ташкил этилди. Энг асосийси, айни пайтда уларда иштирок этган 12 миңдан ортиқ партия аъзолари фаолиятда сезиларли ўзгаришлар кузатишмоқда.

Жойлардаги фаолиятимизни янада кенгроқ тарғиб қилиш юзасидан махсус партиявий акциялар ҳам ташкил этиляпти. Хусусан, электрорат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган «O'zLiDeP — аниқ амалий ишлар партияси», «O'zLiDeP депутатлари — аҳоли манфаатлари йўлида», «Маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти — жамоат назоратида» каби қатор лойиҳаларни сайловга ўзига хос тайёргарлик, деб айтиш мумкин.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлис Акрамовнинг фикрича, ана шундай тайёргарлик жараёнида кадрлар захирасини шакллантириш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига депу-



татликка номзодларни танлаш ва тайёрлаш доирасида эл орасида обрў-эътибор қозонган, ўз ортидан одамларни эргаштира оладиган, фидойи партия аъзолари ва тарафдорлари аниқланиб, номзодлар рўйхатида киритилди. Сайлов кампанияси бошлангич натижалари сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, ҳудудлардаги партия тўғрисидаги маълумотлар, балки БПТ ҳамда СТМлар, ёшлар ва аёллар бўлими учун ҳам жиддий синовдир.

— Маълумки, бутун дунёда партиясизликнинг сайловдан кейинги фаолияти асосан парламентга кўчади, — дейди Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ориф Шарипов. — Демак, партияннинг парламентда муносиб ўрин эгаллаши ва мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг муваффақияти учун сезиларли таъсир кўрсата оладиган кучли фракцияни шакллантиришга бугундан ҳаракат қилишимиз керак. Шу муносабат билан сайлов кампаниясидаги иштирокимизни таъминлаш билан боғлиқ энг асосий ва-

зифаларни белгилаб олиш, бунинг учун эса биринчи масала сифатида марказий ва ҳудудий сайловолди штабларни тузишга жиддий эътибор қаратишимиз керак.

Кўриниб турибдики, олдимизда турган барча вазифалар мазмун-моҳияти жиҳатдан O'zLiDeP учун ниҳоятда долзарб ва устувор масалалардир. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда муваффақиятли қатнашиш, қўзланган натижаларга эришиш учун юртимиз сиёсат саҳнасида кенг имкониятлар, партия фаолларида эса етарли куч, таъриб ва салоҳият бор.

O'zLiDeP ислохотларнинг янги босқичида мамлакатдаги сиёсий жараёнларга ўз таъсирини сақлаб қолиши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаолликни оширишга муносиб ҳиссасини қўшмоғи лозим. Бу эса зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Демак, барча имкониятларимиз, орттирган тажрибамиз белгиланган мақсад ва режаларни рўйбга чиқаришга қаратилиши даркор.

ПАРВОЗДАГИ ҚУШНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Масалан, энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида миллий автомобилсозлик қалдирғочи — «General Motors Uzbekistan» 18 ёшга тўлди. Эндиликда ҳаҳон бозорида ўз нуфузига эга ушбу корхонага давлатимиз раҳбарининг

XXIII КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

1992 йил июль ойида Жанубий Кореяга таширифи чоғида «Daewoo Motors company» автокорхонасига тамал тоши қўйилганини ҳамма ҳам билвермас керак. Орадан бир йил ўтиб, яъни 1993 йилнинг март ойида «UzDAEWOOAuto Co» қўшма корхонаси расман рўйхатдан ўтказилди. Яна икки йил ўтгач эса Асакада «Дамас», «Тико» ва «Нексия» каби дастлабки автомобилларимиз чиқа бошлади. 2008 йилда корхона номи «General Motors Uzbekistan»га айлантирилгач, автосаноатимизнинг имкониятлари янада кенгайди. Худди шу йили миллионинчи, 2013 йилда икки миллионинчи автоулово конвейердан чиқди. Жорий йилда эса қўшма корхона 225 миңга енгил автомашина ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, собиқ тузум даврида «Москвич»у «Жигули», ҳатто оддий халқ тилида «консерва бонка» номини олган «Запорожец»га етишишни орзу қилган одамлар вақти келиб Ўзбекистоннинг автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлардан бирига айланиши, нафақат ўзимизда, балки кўпга хорижий давлатларда ҳам харидор-гир ҳисобланаётган «Матиз», «Ласетти», «Малибу», «Капитива» каби энг замонавий машиналарда мазза қилиб сайр этишни ҳаёлига келтиришармиди? Ёки Самарқандда ишлаб чиқарилаётган автобуслар, юк ташашга мўлжалланган «МАН»ларнинг кўчаларни тўлдириб юришини тасаввур қилармиди?

Булар биргина соҳага оид мисоллар, холос. Иқтисодий-тимизнинг бошқа йўналишларидаги муваффақиятларимиз ҳам ҳар қанча фахрлансак арзигуликдир. Масалан, жаҳоннинг санокли давлатларидагина маҳаллий ва хорижий ишбилармонларнинг эркин фаолият юритиши учун бир қатор имтиёзлар, қулай инвестицион муҳит яратиш мақсадида эркин индустриал-иқтисодий зоналар ташкил этилган.

Ўзбекистонда эса МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб эркин индустриал-иқтисодий зоналар ташкил этишга киришилди. Жумладан, «Навоий» ЭИИЗ очилганидан буён унинг ҳудудида 100 миллион АҚШ долларидан зиёд 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юсак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, электр ҳисоблагичлар, юқори кучлилиши кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобил ва стационар телефон аппаратлари, кўнрақ дори воситалари ва бошқа бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жиззах, Ангрэн ЭИИЗларида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти.

Ўтган 23 йил мобайнида транспорт-коммуникация тизими, хусусан, автомобиль ва темир йўллар қурилишига алоҳида эътибор қаратиб келинаёпти. 2013 йилда хитойлик шериклар билан ҳамкорликда халқаро миқёсдаги йирик лойиҳа — Ангрэн-Пок йўналишида электрлаштирилган янги темир йўл ва 19 километрлик темир йўл тоннели қурилиши бошлаб юборилди. Мамлакатимиз пойтахтини Фаргона водийси вилоятлари билан боғловчи мазкур лойиҳа ниҳоясига етказилгач, у Европа қитъасини Осиё билан боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлининг муҳим бугини сифатида ҳам тараққиётга хизмат қила бошлайди.

Мустақиллик шарофати билан қисқа муддатда мулкдорлар қатлами шаклланди. Бунинг натижасида ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 60, айрим соҳалар бўйича 100 фоиз хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарила бошланди. Ўзбекистон гоё қисқа вақтда қулай бизнес муҳити яратилган давлатлар қаторидан жой олди. Жумладан, бизнесни рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида 66-поғонага кўтарилиб, 189 та мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади. Тадбиркорларга кредит ажратиш бўйича эса 24-поғонага юқорилади. Бундай салмоқли кўрсаткичлар мамлакатимизнинг иқтисодий ҳаётини ривожлантаётган давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишини таъминлади.

Бир пайтлар дунёда аграр, фақат хом ашё етиштирувчи республика сифатида тилга олинган Ўзбекистон эндиликда тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ривожланган мамлакатга айланди. Ҳозирда 80 та давлатга 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланадиган маҳсулотларни экспорт қилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Буларнинг бари жуда катта меҳнат, изланиш ва интилишлар маҳсули, албатта. Лекин фақат ишбилармонлик ва тадбиркорликнинг ўзи билангина улкан муваффақиятларга эришиб бўлмайди. Қутлуг ҳамда ёруғ манзилни кўзлаган инсонлар илми, эътиқоди, ҳалол-пок ва ватанпарвар бўлишлари шарт. Юртбошимизнинг «Юсак маънавият — енгилмас куч» асарига алоҳида таъкидланганидек, инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлавианки, ўринли бўлади. Қачонки ана шу икки муҳим оғил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўшқанотга айланса, ўшандагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёни содир бўлади. Изоҳ талаб этмас ва чуқур мазмунга эга ушбу ҳаётий хулоса жонажон Ўзбекистонимиз тимсолида ойнадагидай ақс этиб турганининг боиси ҳам ана шунда...

Зиёдулла МҲМИНОВ,
Темур АБДУРАҲИМОВ,
«XXI asr»

Янги нормалар муҳокамаси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Маълумотларга кўра, 2011-2013 йиллар мобайнида ҳўжалик суларни томонидан биринчи инстанцияда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига оид ишлар бўйича кўриб чиқилган 246 миңта ақни ишдан қарийб 25 миңгитаси бир тараф ишни кўраётган ҳўжалик сулардан бошқа ҳудудда жойланган. Шу жиҳатдан қараганда, 2014 йил 1 сентябрдан бошлаб суд мажлисларининг видеоолюка режимида ўтказилиши тадбиркорлик субъектлари учун қўлаб қулайликлар яратди. Семинар давомида янги қабул қилинган қонунлар, айрим қонун ҳужжатларига киритилган қўшимча ва ўзгаришлар тадбиркорларнинг манфаатларини кўзаб амалга оширилганини таъкидлаб ўтди. Мухтасар қилиб айтганда, ҳўжалик-процессуал кодексида киритилган ушбу қўшимчалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, оиди суларда самардорлигини ошириш бораборида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратганда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бобурмирзо МИРЗААХМЕДОВ.

Ёшлар ислохотларнинг фаол иштирокчиси

O'zLiDeP Қашқадарь вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан воҳа аҳолиси орасидан ташаббускор ва билимдон йигит-қизларни аниқлаш, уларнинг иқтидорларини юксалтириш, ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий билимларини ошириш мақсадида турли мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этиш аънаъга айланган

Ўз муҳбиримиз

Ана шундай тадбирлардан бири Қарши муҳандислик иқтисодий институтида ўтказилди. «Юсак ҳуқуқий маданият — демократик ислохотлар муваффақиятининг гарови» деб номланган очик мулоқотда ҚМИИ ректори Назирилла Маҳмудов, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Ўктам Ҳўжаёров, O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси ўринбосари Орзикул Шероф сўзга чиқдилар.

Таъкидланганидек, истеъдодли ёшларни кашф этиш мақсадида вилоятдаги барча ўқув юрталарида қатор гоёвий-сиёсий ишлар олиб борилаётган. Хусусан, олийгоҳларда таҳсил олаётган талабалар билан

партия фаолларининг учрашувлари ташкил этилмоқда. Ёшларнинг спорт билан шуғулланиши, нуфузли мусобақаларда иштирок этишини таъминлаш учун партия фаоллари томонидан ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиб келинаёпти. Куварналиси, O'zLiDeP аъзолари мулоқот тадбиркор ва ишбилармонлар партиянинг мақсад ва вазифаларини омма ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, дунёқарашини тўғри шакллантириш, уларни носоғлом руҳдаги оқимлар таҳдидидан ҳимоя қилиш, тадбиркорликка йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш учун вилоятнинг барча туманларида ўтказилаётган давра суҳбатларида бевоқиф иштирок этишяпти. —Ёшларнинг сайлов жараёнида фаол иштирокини таъ-

минлашда уларнинг ҳуқуқий-сиёсий билимларини ошириш катта аҳамиятга эга, — дейди Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Баҳодир Юсупов. — Зеро, ёшлар ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида ўз манфаатларини сиёсий партиялар доирасида ифода этишга ҳаракат қиладилар. Уларни ёт гоёлар ва турли зарарли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш учун таълим-тарбиянинг дастлабки босқичиданоқ мафдуравий иммунитетни шакллантириш, жамият фаровонлиги йўлида ҳар томонлама баркамол муносиб авлод қилиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган устувор вазифаларни бажариш мақсадида

гоёвий-сиёсий ишларни янада қучайтираёғимиз.

— Вилоятдаги ёшлар ўртасида партияннинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилиш, тадбиркорликка йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар йил сайин жонлантириляётган, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Ўктам Ҳўжаёров. — Бугунги мулоқотда ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш орқали жамият ҳаётини муносиб ўрин эгаллашларига ақиндан қўмақлаштириш, уларга етарли эътибор ва шарт-шароитлар яратиш бериш, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга қўмақлаштириш бўйича долзарб фикрлар ўртага ташланди.

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Улуғ одам кичик одамнинг суҳбати билан кичик бўлмайди, балки кичик одам улуғ одам хизматида улуғ бўлади».

Абу Бакр АЛ-ХОРАЗМИЙ.

ЭЛЕКТОРАТ

Бахтиёр фермер

Миришкор туманидаги «Сафар ота» фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Сафаров деҳқончилик илмини пухта эгаллаган инсонлардан. Жейнов қишлоғида ундан ибрат олмаган, маслаҳат сўрамаган мулкдорнинг ўзи йўқ. Яхши-ёмон кунларда доимо бирга. Хар тонг даласига шошилар экан, эзгу ниятларни дилига жо қилади. Бу унинг фидойилигига яна бир далилдир

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

— Ихтиёр ўғлим кўнғироқ қилиб, юксак мукофот билан табриклаганида далада эдим, — дейди Бахтиёр ака. — Қувончдан бошим осмонга етди. Бундан бир неча йил аввал Президентимиз фармони асосан «Шухрат» медали билан тақдирланганим. Мана, энди «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвони берилди. Юксак ишонч ва эътиборга лойиқ бўлиш, ислохотлар муваффақиятини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш учун янада зўр ғайрат билан меҳнат қилишим зарурлигини ҳис эътиборим.



Олийгоҳни тугаллаб, «Жейнов» ширкат хўжалигида дастлаб бригадир, мироб, агроном бўлиб ишлаган Бахтиёр Сафаров 1999 йили 27 гектар майдонда фермер хўжалигини ташкил этди. Табиат синовларида кўзи пишиди, тажрибаси ортди. Айни кунда хўжалик тасарруфида 140 гектар ер мавжуд. Бултур 60 гектарга экилган пахтанинг ҳар гектаридан 30 центнер, ғалладан 50 центнердан ҳосил етиштирилди. Жорий йилда янада катта режалар кўзланган. 40 гектар майдонга ғалланинг «Яксарт» нави экилиб, гектар ҳисобига 60 центнердан зиёд ҳосил кўтарилди. Хўжаликнинг 55,5 гектар майдонида ғўза ниҳоллари парвариш қилинмоқда. Қатор ораларига ишлов бериш, озиклантириш ва сўғориш ишлари юксак агротехник қоидалар асосида амалга ошириляпти. Икки гектар мевали боғда ўрик, олма, бодом етиштирилмоқда. Яқинда мевани қуритиш ва қадоқлашга мўлжалланган янги ускуналар келтирилди.

— Пахтаими юз фоиз уруғликка мўлжалланган, — дейди фермер. — Бир неча йилдан буюн «Бухоро-8» нави чигит экиб, катта хирмон кўтарилган. Кўп тармоқли хўжалигимизда 132 бош «қора-ола» ва «голыштейн» зотли чорва моллари, шунингдек, 100 бош майда шохли мол ҳамда туя парвариш қилинапти. Ҳадемай ғўша ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган замонавий технологиялар харид қилмоқчимиз. Жейнов қишлоғидаги 100 нафар йигит-қиз доимий ва мавсумий иш билан таъминланган. Қўзланган режаларимиз амалга ошган, касб-хунар коллежлари битирувчиларидан яна 20 нафарини сафимизга қабул қилмоқчимиз. Уктам Ниёзов ва Бекзод Бозоров каби иш бошқарувчиларим деҳқончилик ҳамда чорвачилик илмининг ҳадисини олишган. Ғалла комбайни, чопиқ, ўт ўриш, ҳайдов тракторлари сингари ўттиздан ортиқ техника ва воситамиз бор. Утган йилги фойда ҳисобидан янги «Орион» тракторини харид қилдик. Замонавий техника билан ер ҳайдаганга нима етсин! Рўзгордан камчилигимиз йўқ. Етти нафар фарзандимнинг ҳаммаси уй-жойли. Катта ўғлим Нуриддин ҳам фермер. «Жейнов-Қарши» йўналиши бўйича аҳолига намунали автотранспорт хизмати кўрсатаёلمиз. Бултур барча соҳалар ҳисобидан 60 млн. сўм соф фойда олган эдик. Жорий йилда бу кўрсаткич 100 млн. сўмдан ошиши кутилмоқда.

Дарҳақиқат, халқ депутатлари Қашқадарь вилоят кенгаши депутати, вилоят Фермерлар кенгаши раиси Б.Сафаров агросаноат тизимида амалга оширилган ислохотлар моҳиятини кенг тарғиб қилиш, хотин-қизлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш орқали улар бандлигини таъминлаш борасида қатор эзгу ишларнинг ташаббускори сифатида танилган. Бугун вилоятда 8100 та фермер хўжалиги бўлиб, шундан 1621 таси кўп тармоқлидир. Жорий йилдан бошлаб воҳода етиштирилган полиз маҳсулотлари экспорти ҳам йўлга қўйилди. Ушбу хайрли ишнинг ташаббускорларидан бири «Сафар ота» фермер хўжалигидир.

— Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, миллий кадрият ва аъёнлар давомийлигини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, шубҳасиз, аҳоли манфаатлари билан чамбарчас боғлиқдир, — дейди О'зЛиДеР вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Орзиқул Шеров. — Юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли фермерлар, ишбилармонлар жамиятимизда нуфузли қатламга айланди. Улар сафида «Сафар ота» фермер хўжалиги раҳбари Б.Сафаров ҳам бор. Зеро, ердан ризқ-насиба ундириш, саратон жазираси-ю, қишинг қаҳратониға дош бериш ҳаммаининг қўлидан келавермайди. Эл дастурхони тўқинлиги, юрт ободлиги, бозорларимиз сероблиги, энг аввало, деҳқон меҳнати ва матонатига боғлиқдир. Маслақдошимиз ўз ташвишларидан ортиб, партиянинг дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, турли сийёсий тадбирларни ўтказиш, бошланғич ташкилотлар ишини жонлантириш, депутатлар масъулиятини ошириш, партия электротатини ўйлантриб келаётган муаммоларни доимий комиссиялар йиғилишлари, вилоят, туман кенгашлари сессиялари муҳокамасига олиб чиқиш борасида куч-ғайратини аямайди. Табиий сув манбааларини тежаш мақсадида депутат ташаббуси билан фермер хўжаликларидида самарали технологиялар, биринчи навбатда, томчилатиб сўғоришни йўлга қўйиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қишлоқ мулкдорлари фаолиятига татбиқ этишга оид амалий тақлифлар қўриб чиқилмоқда. Бу эса унинг эл-юрт иши учун жонқурлигидан далолат беради.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотлар муваффақиятини таъминлашдаги кўп йиллик хизматлари учун муносиб тақдирланган Б.Сафаров юксак рағбатдан руҳланиб, янада юқори кўрсаткичларни кўзлаб меҳнат қилаёпти.

Биринчи теримда 40 центнер

Тошкент вилояти пахтакорлари жорий йилда 97 минг 500 гектар майдонга чигит эккандилар. Бугун эса ана шу далаларда етиштирилган пахта ҳосилини териб олиб, 237 минг тонналик улкан хирмонни бунёд этиш ишлари қизғин паллага кирган.

Чиноз туманидаги «Озод-обод-Чиноз» фермер хўжалиги аъзолари эса биринчи теримнинг ўзидаёқ гектаридан 40 центнердан ҳосил йиғиштириб, шартнома режасини пойтахт вилоятида биринчи бўлиб уддаладилар. Вилоят ҳокимлиги томонидан «биринчилар учун ажратилган совға» айнаи шу хўжаликка насиб этди.

— Буни мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига бўлган эътиборнинг натижаси, деб биламан, — дейди фермер Темирхон Тошхўжаев. — Биринчи теримдаёқ шартнома режасини бажарган бўлсак-да, даламиздаги ҳосил салмоғи яна 5 центнерга етади. Демак, хўжалигимизнинг пахтачиликдан оладиган даромади ҳам хирмонга яраша бўлади. З.МҶМИНОВ (муаллиф олган сурат).



Бобоназар полвон

фермерликда ҳам, партиявий ишда ҳам ўрнак бўляпти

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI asr»

Бугун Жондор туманида 492 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 96 таси чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, ғўшт, сут, туҳум каби қундалик истеъмол маҳсулотларини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Эл-юрт маъмурчилиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб келаётган жонқуяр чорвадорлардан бири, «Шухрат» медали соҳиби Бобоназар Чориев Сомончўқ қишлоғида туғилиб ўсган. Эндилдикда жондорликлар уни кўп тармоқли фермер хўжаликларидан бирининг тажрибали раҳбари сифатида яхши танишади, ҳурмат қилишади.

Дастлаб фаолиятини 1998 йилда 21 бош қорамол, 120 бош қўй-қўзи боқилган бошлаган бўлса, ҳозир «Оллоҳназар Шоҳназар Бобоназар» фермер хўжалигида 240 бош йирик шохли қорамол, 1,5 минг бошдан кўпроқ қўй-эчки, 60 бош соғин сигир бор. Бу ерда 70 нафарга яқин киши меҳнат қилаётди. Уйғун ва Ҳасан Чориев, Умид Ҳожиёв, Одил Хотамов, Зухриддин Нажмиддинов каби тажрибали чўпонлар хўжалик тасарруфидаги 5 минг гектар йиловда отарларни яйратиб боқаятган бўлса-

лар, қолган ишчилар озуқабоп экинлар ўстириб, қорамоллар парвариши билан шуғулланишмоқда. Айни пайтда хўжаликда ҳар доим-ғайда қишки мавсумга пухта ҳозирлик кўриляпти. Жами 1000 тонна озуқа, жумладан, 700 тонна силос, 360 тонна чанғалоқ, 600 тонна сенаж қишлоқнинг хотиржам ўтишини қафолатлайди.

Хўжаликдаги сигирларнинг ҳар биридан кунига ўртача 15-20 литрдан сарқаймоқ сут соғиб олинаёпти. Бу — фермер хўжалиги бўйича йилга салкам 65 минг литр сут соғиб олинади, деганидир. Ғўшт етиштириш йўналишидаги натижалар ҳам чакки эмас. Ҳар йили 20-25 тоннадан сифатли маҳсулот тайёрланмоқда. Бобоназар Чориевнинг бундан 5 йил олдин соҳанинг бир гуруҳ пешқадамлари катори Голландия, Франция, Бельгия, Германия сингари давлатларда бўлиб қайтгани, ундан олдинроқ эса Исроил ва Хитойдаги қишлоқ мулкдорлари билан тажриба алмашгани жуда қўл келаяпти.

Хўжалик, шунингдек, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ҳам илгорлардан саналади. Масалан, жорий йилда бугдойдан 245 тонналик ҳосил олинди. Бу — гектаридан 80 центнердан дон тайёрланди, деганидир. Унинг 145 тоннаси давлатга сотилди, 100 тон-

наси эса ишчи-хизматчиларга тарқатилди.

Шу кунларда хўжалик далаларида пахта йиғим-терими авжида. Зарҳунослар камиди 500 тонна сифатли хом ашё етказиб беришни мақсад қилганлар. Агар ушбу марра эгалланса, ҳосилдорлик гектаридан ўртача 40 центнердани ташкил этади.

Фермер хўжалиги маблаглари ҳисобидан Сомончўқда барпо этилган замонавий спорт зали тез орада миллий кураш ихлосмандлари билан ғажув бўлади. Ушбу иншоотни куриш ғояси эса Бобоназар Чориевда Туркиянинг Анталыа шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида борганида, кейинчалик эса Хитой, Саудия Арабистонининг сингари мамлакатларда бўлганида туғилган эди. Эндилдикда эшларнинг сеvimли устози сифатида ҳам донг қозонган фермер самбо, дзюдо, миллий ва эркин кураш бўйича турли йилларда бир неча марта Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлган. 1999 йилда Шаҳрисабзда бўлиб ўтган мамлакат чемпионатида гиламга чиқиб, машур полвонлардан Глазнов ва Бердиевни маглубиятга учратган.

Таникли фермер О'зЛиДеР фаоли сифатида олиб бораётган ташкилотчилик фаолияти билан ҳам маслақдошларига ўрнак бўлмоқда. Партия вилоят ва туман

кенгашлари томонидан ўтказиб келинаётган турли тадбирларда иштирок этиш, сафдошлари ва ҳамкасбларини қизиқтираётган муаммолар ечимини излаб топиш, Мирзаён ва Теша Салим маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида О'зЛиДеР дастурий гошларини тарғиб-ташвиқ этишга ҳам вақт топаёпти.

— Истиклол йилларида юртимизда қўлга киритилган ютуқлардан фохрланиш ҳис-туйғуси аҳоли билан жонли мулоқотлар давомида яққол кўзга ташланмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. — Жорий йилнинг декабрь ойида Олий Маҳлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловларга тайёргарлик билан боғлиқ тадбирларда бундай ҳолатларни кузатиб, мағрурландим. Эл-юрт маъмурчилиги, халқимиз бахт-саодати йўлида жонқуярлик намуналарини кўрсатиб ишлаш оладиган сафдошларимиз борлигидан қувонаман. Улар орасида депутатликка муносиблари қўнчилигини ташкил этади. Бўлажак сайловда аҳоли ана шундай жонқуяр, илгор фикрловчи номзодлар учун овоз бериши аён.

Юқоридагидек фикрларни юртимиз келажигига чин дилдан ишонган, эътиқоди мустаҳкам кишиларгина билдира олади. Бобоназар Чориев ана шундай фаол сафдошларимиздан биридир.

Пистачилик — истиқболли соҳа

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Носир ТОШЕВ,
«XXI asr»

БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланидиган ташкилоти (ФАО) маълумотларига қараганда, айни пайтда ер юзидида 86 та давлат ўз фуқароларини кундалик озиқ-овқат билан таъминлай олмайди.

Ўзбекистонда эса ушбу муаммо ўзининг ижобий ечимини топган. Хусусан, Богдорчилик ва чорвачилик маҳсулотлари салмоғини кўпайтиришда шахсий эрдмичи, деҳқон хўжаликларининг ўрни ва ҳиссасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни кунда етиштирилаётган мева-сабзавот, узум, картошка, ғўшт ва сунинг 60-90 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади. Қўринадик, аҳоли дастурхони мўл-қўллигини таъминлашда шахсий томорка, деҳқон ва фермер хўжаликларига катта имкониятларга эгадир. Уларни жадал ривожлантириш орқали нафақат ички бозор эҳтиёжларини қондириш, балки юртимизнинг аграр соҳадаги экспорт салоҳиятини янада ошириш мумкинлигини унутмаслик лозим.

Мутахассислар фикрича, ҳозирда фойдаланилмаётган захира майдонларда томчилатиб сўғоришни йўлга қўйиш орқали хандон писта, шунингдек, сувсизликка чидамли, рентабеллиги юқори бўлган бошқа хилдаги сўлтропик экинларни экиш ва интенсив боғлар барпо этиш мақсада мувофиқдир.

Хандон писта курук мевалар сирасига кирди. Тўғри, бугунги кунда бозорларимизда писта-бодом сероб. Бирок нархи баландроқ. Сабаби меҳнати оғир, агротехникаси ўзига

хос. Кўпчиликка аён бўлса керак, ҳозирда асосан Сурхондарь вилоятининг тоғли худудларидагина писта етиштирилади, холос. Ҳўш, республикамизнинг бошқа минтақаларида пистачиликни интенсификация ривожлантириш мумкин эмасми?

— Мумкин, — дейди соҳа мутахассисларидан бири С.Зиёдуллоев. — Ҳаммаси интилий ва ташкилотчиликка боғлиқ. Орамизда қўли гул боғбонлар кўп. Уларнинг бой тажрибаси, қимматли маслаҳатларига таяниб иш тутилса, бас. Қолаверса, пистачилик — кони фойда. Лекин бизнинг шароитда соҳа фаолиятини йўлга қўйишнинг ўзига яраша мураккабликлари бор. Писта кўчати 8-12 йилда ҳосилга кирди. Мевасини биттаб териб олиш, сўнг оби-тобадида қуритиш лозим. Биласизми, ҳозирда бозорларимиз пештахтасини тўлдириб турган хандон писталар асосан Эрондан келтирилади. Ваҳоланки, уни маҳаллий шароитда ҳам кўплаб етиштириш, шу ҳисобдан қўшимча даромад олиш, аҳоли талаб-эҳтиёжини тўла қондириш мумкин.

Юқоридаги мулоҳазаларга изоҳ ортинча. Зотан О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Фермерлар кенгашининг шахсий томорқалар, деҳқон ва фермер хўжаликларидида писта ҳамда бошқа хилдаги ноанъанавий экин турларини жорий этиш борасидаги ташаббуси келажак манфаатларига йўналтирилганлиги билан ҳам қимматлидир. Эндилдикда ушбу хайрли ҳаракат республикамиз миқёсида кенг оммалашмоқда. Жумладан, партиянинг Фаргона вилоят кенгаши томонидан яқинда Олтиариқ туманидаги «Шоҳимардон» фермер

хўжалигида ташкил этилган амалий семинар ҳам маҳаллий шароитда пистачиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинларини «зичлаб» экиш ҳамда уларни интенсификация парваришда масалаларига бағишланди. Тадбирда вилоят Фермерлар кенгаши, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси мутахассислари, шунингдек, Фаргона, Андижон ва Наманган вилоятларининг бир гуруҳ илгор томорқачилари, деҳқон ва фермер хўжаликларига раҳбарлари иштирок этиб, кун тартибидидаги масала юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашдилар.

Таъкидланганидек, шахсий томорқа ерларидан унумли фойдаланиш, деҳқончилик маданияти ва самарадорлигини ошириш борасида «Олтиариқ усули» ҳар жиҳатдан намуна бўлишга арзийди. Зеро йиллар давомида ўзини оқлаган ушбу тажрибанинг асл моҳияти экинларни «зичлаб» экиш орқали етиштириладиган ҳосил ва маҳсулотлар ҳаммаини икки-уч ҳисса кўпайтиришдан иборатдир. Тадбир давомида тўлганларга пистачиликдан ташқари сабзавот-полиз экинларини парваришда агротехникаси, шунингдек, деҳқон ва фермер хўжаликларидида топинамбур, батат (ширин картошка) етиштиришни йўлга қўйиш юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Билдирилган тақлиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, вилоятда писта кўчатларини экиб ўстириш ҳамда уларни илмий асосда парваришда технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган «Пистачилик маркази» ташкил этишга келишиб олинди.

▶ 2014 йил — «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»

Қайта «тузилган» туғруқхоналар

Янгиер шаҳридаги туғруқхона реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. 40 ўринга мўлжалланган бинони қисқа фурсатда қайта қуриш учун 1 миллиард 800 миллион сўм маблаг сарфланди. «Давр-Хумо» ҳусусий фирмаси қурувчилари томонидан таъмирланган икки қаватли муассаса бутунги кун талабига тўла жавоб берадиган табиийёт усуналари билан жиҳозланди. Бундан ташқари, «Соғлом авлод йили»нинг ўтган даврида Сарбова ва Сайхунбод туманларида ҳам таъмирланган туғруқхоналар фойдаланишга топширилганини айтиб ўтиш жоиз.

Истиклол йилларида «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳалари асосида вилоятда 131 та ҚВН ва 4 та оилавий поликлиника ташкил этилиб, 8 та ҚВНга қўёш батареялари ўрнатилди. Айни пайтда яна 6 та саломатлик муассасасини тикланувчи электр манбаи билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

Дилора ЭСОНОВА.

▶ СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

«Маиний техника дўконидан хорижда ишлаб чиқарилган кир ювиш машинасини харид қилганимда сотувчидан унинг техник хусусиятлари тўғрисида маълумот беришни сўрадим. Дўкон ходими маҳсулот ҳақида билганича тупшуча берган бўлса-да, унинг жавобидан қониқмадим. Айтнинг-чи, мен сотиб олган маҳсулотда давлат тилида ёзилган ёриқ бўлиши шартми ёки йўқ?»

Ў.Умаров, Навоий вилояти.

— Албатта, бўлиши керак. Зеро, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 майдаги 427-сонли қарори билан четдан келтириладиган ва мажбурий тарзда давлат тилида ёриқлангани лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати тасдиқланган. Мазкур рўйхатдан озиқ-овқат, дори, косметика, шунингдек, кир ювиш машинаси, микротўқинли пещ каби маҳсулотлар ўрин олган.

«Замонавий светодиодли лампалар оддий лампалардан нимас билан фарқ қилади?»

Х.Жанова, Тошкент шаҳри.

— Светодиодли лампалар электр энергиясини 90 фоизгача тежаш хусусиятига эга. Бундан ташқари, уни ишлаб чиқаришда инсон ҳаёти учун хавфли бўлган суюқ симоб қўлланилмайди. Шунинг учун ҳам махсус утилизацияни талаб этмайди. Ишлаш муддати ўртача 30000 соатни ташкил қилади. Ўз навбатида бир йиллик қаролат мулдатига эга бўлган 10 ваттлик светодиодли лампалар 100 ваттлик оддий чўлпанли лампанинг ўрнини босишини айтиб ўтиш лозим.

Саволларга «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат қорхонаси бўлим бошлиғи Азиз Ҳакимов жавоб берди.

ЎҚИМАТ ИЗЛАГАНГА ЎҚИМАТДИР ДУНЁ!

«Инсоннинг фазилати фавқуллодда жасоратлар билан эмас, балки унинг қундалик ишлари билан ўлчанади».

Блез ПАСКАЛЬ.



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 18-sentabr, payshanba, 37 (565)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

«Энг муҳими — одамларга нафимиз тегаяпти»

O'zLiDeP Сайловолди дастурида партиё ўз олдига қўйган мақсадларга амалий ишлар, биринчи навбатда, тадбиркорлар, фермерлар ҳамда электоратнинг бошқа вакиллари манфаатларини ифодаладиган аниқ сиёсат юритиш орқали эришишга интилиши белгиланган

Бехзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

Хусусан, партиёнинг негизи бўлган БПТлар зиммасига сайловлар даврида берилган ваъдаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича қатор муҳим вазифалар юклатилган эди. Хўш, қуйи бўғинлар билдирилган ишончини тўла оқлаётими? Очигини айтганда, бошланғич ташкилотларнинг барчаси ҳам улкан масъулият кўламини бирдек ҳис эта олмаяпти. Лекин том маънода партиёнинг таянч нуқтасига айланган, ташаббускор ва ишчан, қизғин фаолияти билан O'zLiDeP мавқеи ортисига ҳисса қўшиб келаётган БПТлар ҳам оз эмас. Масалан, Оҳангарон туманидаги «Гулилола» хусусий корхонаси бошланғич партиё ташкилоти мамлакатимиздаги етакчи сиёсий куч сифатида муносиб равишда иш олиб бораёпти.

Авалло шуни айтиш керакки, тузилганидан буён ўтган 10 йил мобайнида мазкур таянч бўғин партиё уставида асосан ғоявий-сиёсий, ташкилий-партиявий тадбирларни юритиш бўйича каттагина тажрибага эга бўлди. Дастлаб 5 нафар аъзо билан иш бошлаган БПТ ҳозирга келиб 159 нафар масъулдорнинг бошини қовштириб тургани ҳам фаолият самарадорлигини кўрсатувчи жиҳатлардан биридир. Асосийси, фаоллар ўтган йиллар мобайнида партиё электорати вакиллари, сайловчилар ишончини қозонишга муваффақ бўлдилар. Чунончи, жорий йилда бошланғич бўғинга фуқаролардан 34 та мурожаат тушди. Уларнинг 26 таси Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг тегишли қарор ва йўриқномаларига мувофиқ партиявий вазифалар орқали ижобий ҳал қилинди, қолганлари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, амалдаги қонунлар доирасида йўл-йўриқ кўрсатилди. Жумладан, «Зоир ота» фер-

мер хўжалиги раҳбари Облоқул Турматов Телов қишлоғи ҳудудидан 43 гектар лалмикор ер ажратиш бўйича туман ҳокимлигига берган аризасининг ҳал этилиши чўзилиб кетганидан шикоят қилганди. Даставвал БПТ йиғилишида, сўнгра босқичма-босқич партиё туман кенгаши, вилоят кенгаши депутатлик гуруҳида кўрилган масала юзасидан мутасадди идораларга депутатлик сўрови йўланди. Натижада қишлоқ мулкдорининг талаби қондирилди. Шунингдек, Яхёбек Исмагулова, Абдуҷалол Сатторов, Бахтиёр Турсунбоев каби тадбиркорлар ҳам БПТларнинг электорат ва партиё юқори органлари, депутатлар ўртасидаги ўзига хос кўприк, сайловчилар манфаатини ҳимоялашнинг бошланғич механизмига айланганига ишонч ҳосил қилдилар. Санам транспорт ва сервис коллежи битирувчилари Хайрулла Эрмаков ва Оловуддин Мамаюсовнинг банкдан кредит олишда ёрдамлашиш тўғрисидаги мурожаатлари ҳам эътиборсиз қолдирилмади.

Мавриди келганда, бошланғич ташкилот партиё туман кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганини қайд этиш керак. Чунончи, Оҳангарон саноат касб-ҳунар коллежи битирувчилари, «Диплом билан — бизнесга-2014» лойиҳаси вилоят босқичи ғолибларидан бири, 15 млн. сўмлик сертификатни қўлга киритган Барно Караеванинг хусусий бизнесга қизиқишини биринчи бўлиб мазкур БПТ кўлабқувватлаган, танловда иштирок этишига кўмаклашган эди.

Тумандаги Четсув касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари Бувойша Даданованинг янги ўқув йўналишлари очиб тўғрисидаги таклифи ҳам қуйи ташкилот аъзолари диққатини тортди. Мурожаат ўрганилиб, асосли деб топилди. Вилоят кенгаши депутати Шунқор Умурзоқов саъй-ҳаракати билан ўқув



Солиқ ЗОИР олган сурат

масканида янги — темир йўл ва очик кон мутахассисликлари жорий этилди.

Қуйи бўғиннинг яна бир ташаббуси O'zLiDeP мавқеини янада кўтаришга хизмат қилди, назаримизда. Гап шунданки, шаҳарнинг 3-кичик тумани ҳудудидаги ахлатхона қарийб ярим гектарни эгаллаган ва теварақдаги кўп қаватли уйларда яшовчилар бундан ниҳоятда безган эдилар. «Навбахор» ва «Илоқ» МФЙ фаоллари билан БПТ қўшма йиғилишида ана шу муаммо атрофида муҳокама қилинди. Қуйи тўғрисида етакчиси Бахриддин Комилов тилча олиган жойини спорт майдонига айлантириш ғоясини илгари сурди, шунингдек, маиший чиқиндиларнинг олиб кетилиши билан боғлиқ ишларга тадбиркорларни жалб этиш таклифини киритди. Мунозаралар, тортишувлардан сўнг ушбу асосли ғоя маъқулланди. Эътиборлиси, мажрлисда қатнашган, ҳаётини деб топилди. Вилоят кенгаши депутати Шунқор Умурзоқов саъй-ҳаракати билан ўқув

эканликларини билдиришди. Белгиланган тартибда маҳаллий ҳокимлик ва банкларга етиб борган хайрли ташаббус астойдил қўллаб-қувватланди — тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, зарур маблағлар ажратилиши натижасида тадбиркорлар енг шимариб, ишга киришдилар. Бир ой мuddатда 2 та мини-футбол ҳамда волейбол майдончаси, теннис корти, спорт дўкони, кийим алмаштириш ва ювниш хоналаридан иборат «Соқўшма йиғилишида» деб номланган мўъжаз спорт мажмуаси барпо этилди.

Маълумки, бугун юртимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларнинг янада самаралироқ кечиши фуқароларнинг мустақил позицияси шаклланиши, дахлдорлик туйғусининг кучайишига бевосита боғлиқ. Бунинг учун эса электорат ўртасида кўпроқ ишлаш талаб этилади. Таянч бўғин аъзоларини ана шу масъулият фаоллиққа ундаётир. Жорий йилда БПТ саъй-ҳаракати билан ташкил этилган оммавий-сиёсий тадбирларда 2

мингдан зиёд киши қатнашиб, республикамиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар хусусида муфассал маълумотга эга бўлди.

— Мамлакатимиз муҳим сиёсий кампания — парламент ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайлов арафасида турибди, — дейди биз билан суҳбатда халқ депутатлари туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Шавкат Комилов. — Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу галги сайловлар аввалгиларидан анча қизгин ўтиши кутуляпти. Чунки одамларнинг партиё фаолиятига муносабати, қолаверса, талаби ҳам ўзгарган. Сайловда овоз берувчилар нафақат партиё дастурий мақсадлари билан, балки ўзган сайловларда берилган ваъдалар ижроси билан ҳам қизиқадилар. Шу боис электорат манфаатини ҳимоялашга қаратилган ишларимизни янада кучайтириши керак. Энг муҳими, одамларга нафимиз тегаяпти ва жамоатчилик бунинг эътирофи эътирофи.

«ҲОЗИРГИ ВАҚТДА БИЗ ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА АСОСЛАНГАН ДАВЛАТ, ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН ҲАЁТ ҚУРИШ УЧУН ИНТИЛМОҚДАМИЗ. БУ ҲАЁТНИНГ СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ АСОСЛАРИ БЎЛГАН ДЕМОКРАТИЯ ПРИНЦИПЛАРИНИ, КЎППАРТИЯВИЙЛИК МУҲИТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БУГУНГИ ҲАЁТИМИЗНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ, ЭРТАНГИ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ГАРОВИ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА. БАРЧА ТАРАҚҚИЙ ТОПГАН ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТЛАР БОСИБ ЎТГАН БУ ЙЎЛ БИЗ УЧУН ҲАМ ЯГОНА ТЎҒРИ ЙЎЛ».

Ислом КАРИМОВ.



Қизириқда электорат сафи кенгаймоқда

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллиги тантаналаридаги табриқда илгари сурилган мантқиқий хулосалар кенг жамоатчилик ўртасида алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Шу муносабат билан жойларда турли тадбирлар ўтказилиб, унинг мазмун-моҳияти юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтириляпти

O'zLiDeP Қизириқ туман кенгаши томонидан ташкил этилган «Мустақиллик тўғрисида мулоқот» мавзусидаги давлат суҳбати фикримиз дилидир.

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистони!» шiori остида ўтган ушбу тадбирда O'zLiDeP Сурхондарё вилоят ва Қизириқ туман кенгашлари мутасаддилари, партиё фаоллари, тадбиркорлар, фермерлар, «Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, туман хотин-қизлар қўмитаси вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, O'zLiDePнинг Сайловолди платформасида омма ўртасида ғоявий-сиёсий тарғиботни кучайтириш, иқтисодий янада либераллаштириш, мавжуд имкониятлардан мақсадли фойдаланиш масалалари алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса партиё фаоллари зиммасига катта масъулият юклайди. Тумандаги «Наргиза Минима» хусусий корхонаси раҳбари, БПТ раиси Н.Бозорова ўз чиқишида кенг қўламли ишловлар тўғрисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йил сайин ривожланиб, жойларда аҳоли бандлиги ва фаровонлик даражаси ошиб бораётганлигини эътироф этди.

Ушбу хусусий корхона ўз фаолиятини 2007 йилда бошлаган бўлиб, асосан тикувчиликка ихтисослашган. Ҳозир чеварлар сони 15 нафарга етди. Ҳадемай янги ўқув курслари очиб ва яна 8 нафар қишлоқ аёлини иш билан таъминлаш режалаштирилган.

Тадбир давомида миллий бизнесни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажми ва кўламини кенгайтириш учун жойларда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, мулкдорлар манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ишончли ҳимоя қилиш муҳим ҳаётий вазифалардан бири эканлиги таъкидланди. Фаол БПТ раислари, илгор тадбиркор ҳамда фермерлардан бир гуруҳи O'zLiDeP вилоят кенгашининг фахрий ёрликлари ва қимматбахо совғалари билан тақдирланди. Электорат сафига янги қабул қилинганлардан 6 нафарига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Дилрабо РАҲМОНОВА, Зебинисо ҚУРБОНОВА, O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши масъул ходимлари.

«ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ СИФАТИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ НЕГИЗИГА АЙЛАНМОҒИ ДАРКОР. ПАРТИЯ УЛАР ОРҚАЛИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ҲАЁТНИНГ МУҲИМ МУАММОЛАРИНИ КЎТАРИШНИ, КИШИЛАРНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН БАРЧА МУАММОЛАРНИ ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИГА ҲАВОЛА ЭТИШНИ, ҲОКИМИЯТ ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИ ҲАМДА КАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚАРОРЛАРИГА ТАНКИДИЙ ВА ХОЛИСОНА БАҲО БЕРИШНИ КЎЗДА TUTAДИ. ПАРТИЯ АХБОРОТ МАЙДОНИДА ШАКЛИ, АДАДИ, КЎЛАМИ, МАВЗУ ЙЎНАЛИШИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ВА АДОЛАТЛИ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ЯРАТИШГА ИНТИЛАДИ ВА БУНИ ЖАМИЯТНИ ҲАҚИҚИЙ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ГАРОВИ, ДЕБ БИЛАДИ».
O'zLiDeP Уставидан.

РЕКЛАМА

Ведущий производитель кровельных и гидроизоляционных материалов третьего поколения

Гидроизол для: www.SaxiyHamkor.uz

КРЫШИ ФУНДАМЕНТА БЕТОННЫХ ШВОВ

Гидроизол не подвержен биологическому и химическому разложению - гниению и коррозии

Тел.: **(998 93) 592-78-15**
(998 98) 128-09-01
(998 71) 248-05-41

E-mail: info@saxiyhamkor.uz

Адрес: ул. Уста-Ширин, Алмазарский район, ориентир: круг Жамий

Тошкент Республикаси



Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Нормин СУЛТОНОВ:

«Мен саяхаткор сифатида дунёнинг қайси бурчагида, қандай нуфуздаги концертда қатнашмайин, исм-шарифимга «Ўзбекистон» қўшиб айтилишини талаб қиламан. Жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири бўлган Ватанимиздан фахрланиш туйғуси бу. O'zLiDeP эса жонжон Ўзбекистониимизнинг дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрни олишини ўзининг устувор мақсадларидан бири, деб билади. Шунинг учун ҳам мен ушбу партиёга қарийб 10 йил аввал аъзо бўлганман. Ҳар пайшаниба қуйи эрталаб «XXI asr» газетаси билан танишар эканман, мамлакатимизнинг барча соҳаларда яшайётган ютуқлари қатори O'zLiDeP амалга ошираётган партиявий лойиҳалар самарасини кўриб қувонаман. Ахборот манбалари орасида барибир шунинг ўрни бўлакча. Демак, бугунроқ севимли газетамга янги йил учун обум бўламан. Сиз-чи?»

ЖАРАЁН

O`zLiDeP фаолининг ихтироси

Инновацион гоялар VII Республика ярмаркаси доирасида Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети 3-босқич талабаси Сирожиддин Насриддинов ўзи ихтиро этган янги русумдаги, икки томонлама шаффоф экранли МХ-1 мобилъ телефонини намоиш қилди

Телефон экранлари пишиқ ойнадан ясалган. Тасвир иккала томонда ҳам бирдай кўрсатилади. Телефон қуёш энергияси ҳамда корпус ичига жойлаштирилган аккумулятор қурилмаси ёрдамида ишланглиги сабабли алоҳида қувват манбаига эҳтиёж сезилмайди. Ҳозирда ушбу телефонни оммавий ишлаб чиқариш устида ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Ҳа, Сирожиддин айнан мана шу ихтироси туфайли танилди. Лекин электротехника аъзолари уни бундан аввал ҳам тарғибот тадбирларининг жонқуяр иштирокчиси, интилувчан, азму шижоатли O`zLiDeP фаоли сифатида яхши билишарди. Зеро, Сайловолди платформамиздаги вазифаларнинг бажарилишида унга ўхшаш ёшларнинг ҳиссаси катта.

— Касб-хунар коллежини банк йўналишида тамомлаган бўлсам-да, ахборот-коммуникация соҳасидаги қурилмаларга қизиқиш мени техника университетига ўқишга киришга ундади, — дейди С.Насриддинов. — Қарийб 8 йиллик ўқиб-ўрганишларим натижасида шаффоф телефон яратиш гояси юзага келди. Унинг ҳар бир детали устида бир ярим йил изландим. Мақсадим дунёда ҳеч ким ишлаб чиқармаган шаффоф махсулотни замонавий кўринишда яратиш эди. Бундан ўзим авзо бўлган партиянинг «Ишбилармон талаба» сингари лойиҳаларидаги таассуротлар туртки берган бўлса, не ажаб.

Сирожиддиннинг айтишича, ҳозирча мазкур телефоннинг экранни шаффоф тарзда яратилган. Келажакда унинг батареясини ҳам шаффофлаштириш режалаштирилган. Бунинг учун эса ҳомийлар ва ҳамкорлар керак. Уйлаймизки, ихтирочи-талабани қўллаб-қувватлайдиганлар жуда кўп бўлади. Зотан, бу телефон ҳақон тажрибасида янгиликдир. Ойна қопламалари вакуумда қотирилгани учун устига оғир нарса тушса ҳам ҳеч нарса бўлмайди.

Шухрат РАХИМОВ.

«Танам билан танишаман»

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилган лойиҳа доирасида Қўшқўбир тумани Кенагас қишлоғида давра сўхбати ташкил этилди

O`zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши, худудий ННТлар ташаббуси билан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган тадбирда тиббий саводхонликни ошириш, шахсий гигиенага риоя этиш қоидалари, жисмоний тарбия ва спортнинг инсон саломатлигидаги ўрни борасида сўз юритилди. Фуқароларнинг ўз соғлиғига муносабатини ўрганиб чиқиш мақсадида ўтказилган ижтимоий тадқиқотда жами 517 нафар қишлоқ аҳолиси камраб олинди. Жумладан, репродуктив ёшдаги респондентлар 305 нафарни ташкил этди.

Учрашувлар давомида йиғилганлар касалликларнинг олдини олиш, тўғри овқатланиш маданияти, ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтишини аҳамияти хусусида билим ва кўникмага эга бўлдилар.

«Соғлом турмуш тарзи ўзи нима?», «Танам билан танишаман», «Соғлигим — туман бойлигим», «Ўсмирликнинг сирли олами», «Ёшлар тамақсиз ҳаётни танлашди» каби мавзуларни ўзида жамлаган анжуманда ёшлар соғлом турмуш тарзи билан яшаш тамойиллари ҳақидаги ўз фикрлари, орзулари ва келажакда оид тасаввурларини ранг-баранг суратлар орқали намоиш этдилар.

ННТ ва болалар ҳуқуқлари

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси томонидан Нукус шаҳрида «Болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги лойиҳаларни самарали бошқариш бўйича ННТ фаоллари кўникмаларини ошириш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Мазкур тадбир ЮНИСЕФ билан ҳамкорликдаги лойиҳа доирасида амалга оширилган бўлиб, унда болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга ННТларни жалб қилиш, тажриба алмашиш, бу борда ижтимоий шерикликнинг ташкилий- ҳуқуқий механизмни такомиллаштириш хусусида сўз юритилди.

Анжуман давомида имконияти чекланган болаларга ҳар томонлама қўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишда ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида фикр алмашилди.

Р.МАДИЕВА.

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Ким хунарни деса, у доно бўлур,
Нодонлар қудрат деб бойликни билур».

Абдурахмон ЖОМИЙ.

Биз қурган иморатлар

Тўхта ота Ҳайдаровни Қашқадарёда вилоят иқтисодиётини юксалтириш, халқ фаровонлигини таъминлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган фидойи инсон сифатида хотирлашди. Иккинчи жаҳон урушида мардлик кўрсатган Т.Ҳайдаров кўп йиллар воҳада қурилиш ишларини ривожлантириш йўлида самарали меҳнат қилди. Унинг таклифи ва лойиҳалари асосида қад ростлаган бинолар ҳозир ҳам ўз кўрки ва салобатини кўз-кўз қилиб турибди

Ўз мухбиримиз

«Яккабоғ кўрғони» қурилиш-инжиниринг компанияси бош директори, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати Эркин Тўхтаев эса Ҳайдаровлар сулоласининг кенжа вакили. Отаси Эшмаҳмат ака истиклолнинг дастлабки йилларида тадбиркорликка қўл уриб, қатор бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Унинг раҳбарлигида «Тўхта ота Ҳайдаров» ишлаб чиқариш ва савдо жамоа корхонаси Яккабоғ шаҳри ва вилоятнинг қатор туманларида қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Эшмаҳмат ака ўғлининг бобоси, ўзи каби билимдон меъмор ва моҳир қурувчи бўлиши, ёшлигиданоқ пухта билим олиши, маҳорат ва тажрибасини муттасил ошириб бориши учун ғам-хўрлик қилди.

— Ўғлимни эл-юрт қорига ярайдиган, халқнинг дардига малҳам бўладиган саховатли инсон бўлиб етишишни бир умр орзу қилиб келдим, — дейди у. — Бизнинг ёшлигимизда қурувчи кадрларга эътибор йўқ, мустақил ишлашга йўл беришмасди. Ўғлим мустақиллигимиз кашф этган ёшлардан бири эканлиги билан фахрланаман. Зеро, ёшларимизнинг билим олишлари, меҳнат қилишлари учун барча шароит яратилган. Қувончимнинг боиси ўғлим мен орзу қилган доvonларга етди.

Дарҳақиқат, Эркин отаси орзуларининг меваси, ёш, иқтидорли қурувчилардан деса, муволаға бўлмас. У асос солган «Яккабоғ кўрғони» инжиниринг компаниясида бугунгидан 230 киши доимий иш билан таъминланган. Бу жамоада 10 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариладиган. Ўтган даврда соатиға 25 та транспорт воситасига техник-сервис хизмат кўрсатадиган, соатиға 500 донанон ишлаб чиқарадиган янги ускуналар, ўнлаб замонавий транспорт воситалари келтирилди. Ҳар хил турдаги брусчаткалар, асфалт-бетон, блок миш ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Компания қошида қурилиш ва санаят махсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж бошқармалари, автотранспорт бўлими, бетон қоришмаси, пишиқ гишт, пайвандлаш, дам-радгорлик, қурилиш кўмаги, эшик-дераза ишлаб чиқариш



цехлари мавжуд.

Компания томонидан ўтган уч йил мобайнида 24,1 млрд. сўмлик қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 2011-2013 йилларда вилоятнинг тоғли худудларида 8 та янги мактаб, 7 та касб-хунар коллежи, 4 та маданият-маиший иншоот, Қарши давлат университетининг 1500 уринли ўқув биноси, янги спорт зали, 224 ўрилли талабалар турар-жойи барпо этилди. Халқаро аҳамиятдаги м-39 «Алмати-Бишкек-Шахрисабз» автомобиль йўлининг 1295-1297 километрларида сел келиши оқибатида зарар кўрган йўлларни таъмирлашга 1 млрд. сўм маблағ сарфланди. Компаниянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 683 миң АКШ доллари миқдоридан импорт операциялари амалга оширилиб, 1 млрд. 441 млн. сўмлик инвестиция киритилди. Вилоятда биринчилардан бўлиб Хитой республикасида соатиға 110 тонна қум ва шағални қайта ишлаш ҳамда соатиға 4000 донанон пишиқ гишт ишлаб чиқариш кувватига эга ускуналар келтирилиб ўрнатилган, Яккабоғ туманидаги касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 110 нафарининг бандлиги таъминланди. «Иссиқ нон» ишлаб чиқариш цехида 20 нафар қиз меҳнат қиляпти.

— Қамашни туманидаги Оқғузар, Яккабоғ туманидаги Турто оғайни қишлоқларида намунали лойиҳалар асосидаги уй-жойларни қуриб, фойдала-

нишга топширдик. — дейди Эркин Тўхтаев. — Ёшлар учун барпо этилаётган замонавий уй-жой лойиҳаларини, қурилишда ишлатилаётган сифатли материаллар, уй эгалари учун яратиладиган қулайликлар, барча биноларнинг пишиқ гишдан тикланиши, томи чепица билан ёпилаётганлигини кўриб беихтиёр ёшлигим эсимга тушади. У кезларда кўзга ташланадиган уй қурган одамнинг устидан «текшир-текшир» бошланарди. Энди-чи?

Тадбиркор қурувчи Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтган халқаро ярмаркаларда мунтазам иштирок этиб, замонавий ускуналар, ишлаб чиқариш техника ва технология янгилаш борасида катта билим ва тажрибага эга бўлди. Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2010» кўрик-танловининг республика босқичида эса «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Эркин Тўхтаев «Қўли очикнинг йўли очик» деган ҳикматни ўзининг шиори, деб биларди. Саховатли тадбиркор вилоятдаги 56 та қишлоқнинг ички йўлларини ва қишлоқ врачлик пунктларини таъмирлаб берди. Широли ва Уз қишлоқлари аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш учун 50х3 ҳажмидаги 2 та сув сақлаш ҳровузини қуришга ҳомийлик қилди. Яккабоғ шаҳридаги болалар боғида «Амфитеатр» бунёд этди, мавжуд спорт майдончаларига қайта таъмирлаш учун

маблағ ажратди. Шахрисабз туманидаги 83-мактаб ҳовли деворини тиклаб, артезиан қудуқ ва сув сақлаш минорасини қуриб берди. Ногирон болаларни компьютер ва бошқа ортехника воситалари билан таъминлашда ўз саховатини аямайди. Эски Яккабоғ, Самоқ қишлоқ фуқаролар йиғинлари худудида истиқомат қиляётган кам таъминланган оилалар, боқувчиси йўқ кексаларга моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. «Ёшлик» болалар оромгоҳида 25 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳомийлик сифатида бажарилди.

O`zLiDeP фаоли, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати сифатида партия дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Вилоятдаги энг ёш депутат жамиятда шаклланаётган қарашларга таъсир ўтказиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда қўмаклашиш, юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш йўлида фооллик кўрсатаётди.

У 59-Эски Яккабоғ сайлов округи сайловчилари билан мунтазам учрашиб, аҳоли саломатлигини муҳофаз қилиш, йўлларни таъмирлаш, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш орқали уларни иш билан таъминлаш, мактаблар ва бошқа ўқув муассасаларини битира-



ётган йигит-қизларни тадбиркорликка йўналтириш, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини шакллантириш учун ҳам вақт топаётди. Яккабоғ туманида мевазор боғлар, узумзорларни кенгайтириш, мевани қайта ишлаб экспортбоп махсулотлар тайёрлаш, гишт ва сутни қайта ишлаш, йодланган туз, гишт ва бошқа деворбоп материаллар ишлаб чиқаришнинг кенгайтиришга ёш тадбиркорларни жалб этиш борасида тинимсиз изланаётди. Депутатнинг амалий кўмаги билан ўндан ортиқ ёш тадбиркор ўз фаолиятини йўлга қўйиб, 70 дан ортиқ йигит-қизни иш билан таъминлади.

— Истагим юртимизда тинчлик барқарор бўлиб, янги бинолар қад ростлайверсин, — дейди Эркин Тўхтаев. — Уларда билим ва тарбия олиб, ҳунар ўрганаётган ёшлар бизнинг бахтли келажакимизни яратишди. Замонавий ва миллий архитектура услубларини ўзида муҳассам этган биноларни барпо этиш мақсадида тинимсиз изланилмоқда. Олинган фойда эвазига ҳомийлик сифатида мактаб, коллеж, шифохоналарни таъмирлаб берамиз.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг «Бизнинг қудратимиз шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг!» деган пурмаёно сўзларини кўп бор эслаймиз. Бу мени янада изланишга, тинимсиз ишлашга даъват этади. Ҳали ўзим орзу қилган бинони қура олганим йўқ. Шундай бино курсамки, асрлар давомида авлодларимиз фахрланарди. Бунинг учун ҳали кўп изланиш, устозлар ўғитига қўл солишим, замонавий архитектура сир-синаотларини мукамал эгаллашим зарур. Бор билимим ва тажрибамни овозд ўзбекистонимизнинг кўркіга-кўрк қўшадиган бинолар қуришга сарфлай олсам, ўзимни дунёдаги бахтиёр инсон, деб ҳисоблаган бўлардим.

Интилиш, бизнес-режа, кредит ва натижа

O`zLiDePнинг ташаббускор аёллари ўз фаолиятини маҳаллалар, ташкилотлар, энг чекка қишлоқлардаги хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий турмуш тарзини ўрганишга йўналтириб, сиёсий-ҳуқуқий билимларини шакллантиришга интиляётгани опа-сингилларимизнинг ислохотлар жараёнида тобора кенгроқ иштирок этаётганидан дарак беради

Наргиза КАҲҲОРОВА,
«XXI asr»

Хусусан, Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган даврида ташкил этилган 1409 га яқин давра сўхбати, учрашув ва семинар-тренингларда 100 миңга яқин хотин-қиз қатнашгани ҳам ана шу интилишнинг мевасига қиёслаш мумкин.

Хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадига қаратилган мазкур тадбирларда асосий эътибор O`zLiDeP дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда партиявий лойиҳалардан самарали фойдаланишга қаратилди. Зеро, биргина «Соғлом оила» мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида жойларда 340 дан ортиқ ўқув-семинар ўтказилди. «Оилавий тадбиркорлик-

дан» мустаҳкам оилага» лойиҳаси миңлаб аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий билимларини ошириш билан бирга уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш имконини бераётди. Ўтган даврда хотин-қизларни бизнес-режа тузишдан тортиб, банк ва солиқ идоралари билан бўладиган мулоқотгача тайёрлаган ўқув-семинарларнинг туман ва шаҳар босқичида 19 миң 746 нафар, вилоят босқичида 1000 нафардан ортиқ ғайрат-шижоатли аёл иштирок этди. Тадбир давомида ишбилармон опа-сингилларимиз томонидан 530 дан ортиқ янги иш ўрни яратилгани алоҳида таъкидланди.

Лойиҳанинг яна бир эътиборли жиҳати иштирокчилардан 350 нафари тижорат банкларининг имтиёзли кредит сертификатини қўлга киритганидир. Йил бошидан бери эса бизнес лойиҳа эгалари қарийб 4 млрд. 375 млн. сўм миқдоридан кредит

ажратилди.

— Ана шу жараёнда тадбиркорликка қўл ураётган опа-сингилларимиз ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топиш баробарида O`zLiDePнинг гоя ва мақсадлари билан ҳам танишмоқдалар. Бу эса биз учун ниҳоятда муҳим жиҳат, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Бўлим хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, билимларини ошириш орқали уларни сиёсий жараёнларга янада фаолроқ жалб этиш, бизнес субъектларини эса кредит ресурслари билан таъминлашга кўмак бермоқда. Бу ишга тадбиркор аёлларнинг жалб этилаётгани яхши самара бераётди. Шу ўринда яратилган кенг имкониятлар туфайли оилавий бизнесни ташкил этиш ҳаракати тобора кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Тикувчилик цехи очилш мақсадида «Шоҳжаҳон Машҳура» хусусий корхонасини ташкил этиб, бизнес-режа тузганим, — дейди Хонқа туманидаги «Саодат» фермер хўжалиги раҳбари Наргиза Бекжонова. — Лойиҳада ғолиб чиққан, «Микрокредитбанк»дан 10 млн. сўм миқдоридан имтиёзли кредит олдим. Туман марказида ташкил этилган тикувчилик цехида 10 нафар хотин-қиз ишляпти. Эндиликда фермер хўжалигимизни ривожлантириш учун лойиҳа қиймати 50 млн. сўмга тенг бизнес-режа билан қатнашганман. Мақсадим амалга ошса, яна ўнлаб йигит-қизни иш билан таъминлашга эришаман.

Оқоридидаги каби мисолларни мамлакатимизнинг барча худудларидан қўллаб келтириш мумкин. Бу эса O`zLiDePчи аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни ва ролининг нечоғли эканини яққол кўрсатиб турибди.



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*мустақил юртимиз
келажаги — ёш авлод
тарбияси йўлида
фидокорона меҳнат
қилаётган устоз ва
мураббийларни
касб байрамлари
билан самимий
муборакбод этади.
Қадрли устозлар!
Келажаги буюк мамлакат
фарзандларини тарбиялашдек
масъулиятли фаолиятингизда
Сизларга сиҳат-саломатлик,
узоқ умр, хонадонингизга
файз-барака тилаймиз.*



СЎНГГИ САҲИФА

➤ **БИЗ КИММИЗ, ҚАНДАЙ БУЮК ЗОТЛАРНИНГ, ҚАНДАЙ БУЮК МЕРОСЛАРНИНГ ВОРИСЛАРИМИЗ?!**

XI — Беруний асри

Самарқанд шахрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзuidaги халқаро конференцияда улуғ аллома Абу Райхон Беруний тўғрисида алоҳида фикр билдирилган эди: «Улуғ қомусий аллома Абу Райхон Берунийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётларга тўлиқ баҳо беришнинг ўзи қийин.

Янгибой КЎЧҚОРОВ,
«XXI asr»

радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди. Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан «Беруний асри» деб аталши бежиз эмас».

Айни кунларда аллома меросини янада тараqqоқ ўрганиш юзасидан ама-

лий қадамлар қўйилмоқда. Буюк олимнинг киндик қони тўкилган табаррук замин — Беруний туманида ўтказилган илмий анжуман бунга яққол далил бўла олади. «Абу Райхон Беруний илмий меросининг ҳозирги замон тамаддунидаги ўрни ва аҳамияти» деб номланган тадбир Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими, Хоразм Маъмуни академияси, «Беруний авлодлари» жамғармаси томонидан уюштирилди.

— Беруний бобомизнинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида сўз кетганда, «биринчи бўлиб» деган сифатлаш ишлатилади, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Қахрамони Файратдин Хўжайиёзов. — Самарқандда давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганларидек, Беруний академик фанларнинг ас-

трономия, антропология, геология, гидрология, гидрометеорология, география, геодезия, геофизика, тригонометрия каби ўнлаб соҳаларидаги муҳим назарий қирраларни биринчи бўлиб кашф этган. Аллома туғилган тупроқнинг ўзи бир мўъжиза. Биз бу ерда 19 йилдан буён фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон-Австралия археология экспедицияси таркибиде иш олиб бориб шунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Антик даврда Марказий Осиёда энг йирик шаҳар, қудратли Хоразм давлатининг дастлабки пойтахти бўлган Ақчахонқалъани топдик. Асрлар давомида қум остида кўмилиб қолган қалъада бекиёс деворий расмлар галереяси бор экан. Уларни яратган шавкатли аждодларимиз илм билан шугулланишган. Абу Райхон Беруний ана шу тенгсиз илмий мактабнинг довриги жаҳонга таралган муносиб давомчисидир!

Лифтдан — электр энергияси

Дарҳақиқат, яқинда «Юрт келажаги» иқтидорли ёшлар кўрик-тайлови Самарқанд вилоят босқичи учун ўзининг антиқа лойиҳасини тақдим этган Жамшид Шамсиев балид биноларнинг юқори қаватларига кўтариладиган лифтлардан қандай қилиб электр қуввати олиш мумкинлигини тушутириб берди.

— Бунинг учун лифтларга генератор ўрнатилиб, зарур симлар уланса бўлди, — дейди Тайлоқ иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежининг биринчи босқич талабаси Ж.Шамсиев. — Лойиҳага сарфланадиган харажатлар тўрт ой ўтга қопланади. Бундай лифтлар йил давомида бешта хонадонни электр энергияси билан тўла таъминлай олади. Муҳими, бу экологик тоза ва самарали жараёндир. Таъкидлаш жоиз: ўз ихтиросини тумандаги 30-умумтаълим мактабиде таълим олиш чоғиде яратган Жамшид устозлардан олган билим ва тажрибаларни амалиётга жорий этган ҳолда илганиши давом эттирмоқда. Хусусан, айни вақтда у яна бир ихтиро, яъни «Ижтимоий ҳамкорлик ва ҳамдўстлик» деб номланган истироҳат боғини яратиш лойиҳаси устида бош қотиarmoқда. Ёш кашфиётчининг таъкидлашича, бу боғ дунё олимлари тўғрисида, ўзаро фикр алмашадиган, ҳордиқ оладиган маскан бўлади. Муҳаббат РАВШАНОВА.



АСАЛ ШОДИЕВА нима учун O' zLiDePga аъзо бўлган? Айни кунларда қандай «ташвиш»лар билан банд? Юзлаб нашрлар орасида «XXI asr»ни танлаганининг боиси не? Ёки у партиямиз электорати — тадбиркорлар сафига қўшилганми? Мазкур саволларнинг жавобини газетамизнинг кейинги сониде ўқишингиз мумкин.

Панама канали панада қоладими?

Қариб деггани Тинч океани билан боғлайдиган Панама каналининг жаҳон транспорт тизимида тўтган ўрни ҳаммага яхши маълум. Гарчи Панама ҳукумати канал орқали ўтаётган кемалар сонининг кескин қўйилиши билан боғлиқ мўаммоларни унинг ҳавасини кенгайтириш йўли билан ҳал қилишни режалаштиратган бўлса-да, ушбу вазиятдан Лотин Америкасидаги ана бир давлат — Никарагуа унумли фойдаланиб қолишга ҳаракат қилаётганини айтиб ўтиш лозим. Хусусан, бундан икки йил аввал Никарагуа парламенти икки океани боғлайдиган канал қуриш тўғрисидаги қонун қабул қилган бўлса, 2013 йилда мамлакат ҳукумати томонидан Хитойнинг HKND Group компаниясига мазкур объект бунёд этилиши кутулаётган ҳудуддан узок муддат давомида фойдаланиш имконини берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилди. Маълумотларга кўра, қиймати 40 млрд. АҚШ долларини ташкил этадиган лойиҳага мувофиқ, қурилиши 2014 йилнинг декабрида бошланган каналнинг биринчи қисми 2019 йилда, иккинчи қисми эса 2029 йилда фойдаланишга топширилади. Ўз навбатида 81 километрли Панама канали қариб юз йил аввал АҚШ сав-ҳаракатлари билан қурилган, узунлиги 286 км.ли ташкил этиши кутулаётган янги — Никарагуа каналини бунёд этиш гояси Хитой ва Россия томонидан қўллаб-қувватланаётганини айтиб ўтиш лозим.

Кенжа туман тумори

Сиз суратда кўриб турган иморатни кўпчилик пойтахтимизнинг кенжа туманларидан бири — Бектемирнинг ўзига хос «ташир қоғози» сифатида кўраётган бўлса, бошқалар ҳудудда фаолият кўрсатаётган санаят корхоналари ва бунёдкорлик ишларининг тумори, дейишмоқда. Ҳақиқатан ҳам Фарғона водийсидан Оҳангарон шох кўчаси орқали Тошкентга кириб келганлар бу ерда рўй берган ўзгаришларга эътибор қаратган бўлсалар, ажабмас. Зеро, бош кентимизнинг шарқий дарвозаси, яъни Бектемир тумани ҳудудидаги собиқ мотар заводига қарашли объектлар реконструкция қилиниб, корхона атрофи ободонлаштирилгани боис янгича қиёфа касб этди. Маълумотларга кўра, заводнинг йиллар давомида фойдаланилмаётган цехлари таъмирдан чиқарилгач, шаҳар марказидаги иншоотлардан қолишмайдиган кўринишга эга бўлган кўп қаватли маъмурий бино Artel бренди остида бир қатор хоржий компаниялар билан ҳамкорликда маиший техника, хусусан, кондиционер, чапюттич, микротўқилки пещлар, газ ва электр плиталар, телевизор, кир ювиш машиналари, музлаткичлар ҳамда уяли телефонлар ишлаб чиқарадиган миллий компанияга берилган.



Силик ЗОИР олган сурат

Ўз мухбиримиз.

«ZiyoNET» имкониятларидан хабардормисиз?

Фан, техника ва ахборот технологиялари жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда компьютер, смартфон, интернет-планшет каби кўпфункцияли қурилмаларнинг қўл остимида бўлиши оддий ҳолга айланди. Зеро, улар ёрдамида фойдаланувчилар катта ҳажмдаги ишни санокли дақиқалар ичида амалга оширишлари мумкин

Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI asr»

Шу ўринда кейинги йилларда ахборот тарқатувчи анъанавий манбалар, яъни кутубхоналар ҳам электрон кўринишда яратилаётганини айтиб ўтиш лозим. Ана шундай электрон кутубхона ёшларимиз ҳаётида тобора муҳим ўрин эгаллаётган «ZiyoNET» таълим порталида ҳам ташкил этилган бўлиб, маълумотларга кўра, айни пайтда унинг базасида 55 000 дан зиёд ресурс жамланган.

— «ZiyoNET» кутубхонасига ўбек, рус, қорақалпоқ, қозоқ, тожик, инглиз ва бошқа тилларда таълим талабларга жавоб берадиган материаллар қўйилади, — дейди тармоқ ресурс

маркази бошлиги Толиб Мирзақуллов. — Унинг базасидан дарслик, методик қўлланма, маърузалар концепти, реферат, тақдиротнома, луғат, бакалаврларнинг битирув ишлари, магистрантларнинг диссертациялари каби турли хилдаги манбаларни топишнинг мумкин. Эътиборлиси, кутубхона ресурс базасининг бойишига Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, бугунги кунда «ZiyoNET» «хазина»сидан кўплаб илмий журналлар, бюллетенлар, шунингдек, 2000 дан ортиқ кандидатлик ва докторлик диссертацияларининг авторфератлари ўрин олган.

Қолаверса, кейинги вақтда электрон кутубхона-

да олий ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасалари учун «шахсий кабинет»ларнинг ташкил этилиши ўз самарасини бермоқда. Бинобарин, ана шундай кабинетлар ёрдамида таълим масканлари вакиллари ўз материалларини мустақил равишда библиотека базасига қўшиб қўйиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Бундан ташқари, кутубхона ишини янада такомиллаштириш мақсадида портал алоқа ўрнатганини, шунингдек, айни пайтда барча ресурсларни «ўқувчилар», «талабалар» ва «олимлар» каби потенциал фойдаланувчи гуруҳларга бўлиб чиқиш режалаштирилганини айтиб ўтиш даркор.

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛАР ВА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРГА ЯНАДА ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ МАҚСАДИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАЛари ХАМДА СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗЛАРИ ТОМОНИДАН МАҲСУЛОТЛАРГА СТАНДАРТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ, УЛАРНИНГ СИНОВЛАРИНИ ЎТҚАЗИШ ВА МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТЛАРИ БЕРИШ БОРАСИДА КўПЛАБ АМАЛИЙ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотлар синовини ўтказиш ва сертификатлаштириш, шунингдек, импорт товарлар учун мувофиқлик сертификати олиш юзасидан «Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг online режимида ишлайдиган info@tashsert.uz сайти ёки **(8-371) 267-03-10** рақамли «Ишонч телефони» орқали мурожаат қилиб, ўзингизни қизиқтирган барча саволлар ва таъшишга солаётган айрим муаммолар хусусида батафсил маълумотларга эга бўлишингиз мумкин.

Биз Сизнинг хизматингиздамыз, азиз тадбиркорлар! «Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси.

Хизматлар лицензияланган.

ЗАЗ FORZA
Автомобили для жизни!

Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ») www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.